Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 224 (20. 491) • 1989 йил 26 сентябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

25 СЕНТЯБРЬ КУНИ КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ БИЛАН УЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИСДА РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ М. С. ГОРБАЧЕВ СЕССИЯНИ КИРИШ СУЗИ БИЛАН ОЧДИ.

ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН КУРАШДА

УЮШҚОҚЛИК ВА ТАРТИБ КЎПРОҚ БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетида учрашув

Илгари хабар қилинганидек, 21 сентябрь куни М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида партиянинг сайлаб қўйиладиган Марказий органларига кирган ишчилар, колхозчиларнинг катта группаси билан учрашди. М. С. Горбачев учрашувни очар экан, кўпдан буён улар билан учрашиш муддаоси борлигини, бу муддао уларнинг истакларига мос келиши яхши бўлганлигини айтди ва учрашув қатнашчиларини дарҳол рўй-рост гаплашишга чақирди.

Горькийдаги 5-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси **К. Н. Панов** биринчи бўлиб сўз олди. Биринчидан, деди у, бизларни нималар ташвишлантираётгани ҳақида гапирмоқчиман. Шубҳасиз биз демократиялаш тарафдоримиз, кооперативлар тарафдоримиз, қайта қуриш тарафдоримиз. Очиғини айтаман, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми, сўнгра эса июнь Пленуми бўлиб ўтганидан кейин халқ орасида кўтаринкилик сезилди. Ана шу Пленумлардан кейин мен коллективлар ҳузурида эллик мартадан ортиқ сўзга чиқдим. Одамлар мени тинглашар, тушунишар, савол беришар эди. Ҳозир борсам — кайфият бошқача. Партия комитетларида ҳам қандайдир саросималик кўзга ташланмоқда, одамларнинг эҳтиёжларига эътибор етишмаяпти.

Биз, ишчилар ва деҳқонлар воқеаларнинг орасидамиз, ҳамма нарсани кўриб турамиз. Иш ташлашлар бўлаётганлиги, жиноятчилар ҳаракат қилаётганлиги — тартибсизликдир. Нима, бизда ҳеч ким тартиб ўрнатолмайдими? Юз минглаб вагонлардаги юклар туширилмай қолиб кетмоқда, йўлларда ҳаракат тўхтаб қолмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эса жим туришибди. Бундай аҳвол одамларни ташвишга солмай қолмайди! Ҳар қандай оилада ҳам агар тартиб бўлмаса — фаровонлик бўлмайди, жуда катта мамлакатимизда эса айниқса қаттиқ тартиб бўлиши керак. Тартиб ўрнатмай туриб одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, улар учун нормал турмуш шароити яратиш қийин. Ҳар бир ишда тартиб бўлиши керак.

Пермдаги «Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчиси **Н. М. Ершова** минбарга кўтарилади. Мамлакатда вазиятнинг жўн эмаслиги ҳаммага равшан, деди у. Лекин шундай савол туғилади: вазиятни қандай қилиб яхшиланиш сари ўзгартириш керак? Тартиб ўрнатишда биз катта умид боғлаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бизнинг мададимиз ва ёрдамимизга муҳтож. Яқинда мен бир қанча милиция бўлинмаларида бўлдим. Нималар аниқланди денг? Милиционерларнинг маоши кам, техника билан жиҳозланиши жуда паст даражада. Уй-жой, болалар боғчалари, яслилари билан таъминланишда қийинчиликка дуч келишяпти. Бу аҳволда ишга рағбатлантириб бўладими? Ана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал этган тақдирдагина бизда ҳуқуқ-тартиботнинг яхши, муносиб ҳимоячилари бўлади.

Армиядаги аҳвол ҳам ташвишга солмоқда, деди у сўзини давом эттириб. Мамлакатнинг мудофаа қобилияти қандай даражада эканлигига биз бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз ҳарбийларни қисқартиряпмиз-у, баъзан уларнинг бундан буёнги тақдири ҳақида жон куйдирмаяпмиз. Бунинг устига жанговар постда қолаётган кишилар тўғрисида ҳам ғамхўрлик етарли эмас. Бу ерда ҳам яна ўша муаммога дуч келамиз: иш ҳақи, маиший шароитнинг йўқлиги таъсир қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи олий ҳарбий билим юртларига курсантларни қабул қилишда қийинчилик бўлмоқда.

Ҳозир қамоқ жойларидан бўшатилаётган одамлар жамоатчилик диққат-эътиборидан четда қолиши керакми, ахир? Мен кўпгина колонияларда бўлдим, юзлаб одамлар билан суҳбатлашдим. Улар зонадан чиққанларидан сўнг бутунлай эътиборсиз қоладилар. Улар иш билан таъминланмайди, уй-жойи йўқ. Бу хусусда ҳам қандай чораларни амалга ошириш кераклигини ўйлаб кўриш лозим.

Сўнгра нотиқ меҳнат коллективларида партия таъсирини кучайтириш масалаларига тўхталди. Жумладан, у қуйидагиларни таъкидлади: бизнинг шаҳримиз ва областимизда иш ташлаш бўлгани йўқ, иш жойларини қолдириб кетиш қандай оқибатларга олиб келишини одамлар тушунадилар. Лекин буни нима учун бошқа регионларда тушунишмаяпти? Ишчилар тартибсизликка йўл қўйилаётган областлар, ўлкалар, республикаларнинг раҳбарларидан қаттиқ сўрашни ҳақли равишда талаб қилмоқдалар. Бошқалар ҳисобига бировларнинг турмуш шароитларини яхшилаш — чамаси, бу аҳволдан қутилишнинг йўли эмас.

Партия ходимининг қиёфасига ҳам янгича назар ташлаш зарур, деб давом этди нотиқ. Ҳозир шунчаки яхши одам, ҳалол коммунист бўлишнинг ўзи камлик қилади, бой билимга эга бўлиш, яхши чиниққан бўлиш, қайта қуришга тўсқинлик қилувчи ва олға томон ҳаракатимизга халақит бераётган ҳар бир кишига муносиб зарба бериш учун уқув билан гапиришни ҳам билиш керак. Ана шу маънода КПСС Марказий Комитети партия кадрлари ўқувига тегишли ўзгартиш киритса, ёмон бўлмасди.

«Ленинград металл заводи» турбинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири **В. С. Чичеровга** сўз берилади. У ўз нутқида эътиборни КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми қарорларига қаратди, унинг фикрича, Пленум одамларни ҳаяжонга солаётган жуда кўп саволларга жавоб берди.

Меҳнат коллективларига борганимизда, деди нотиқ, ҳозирги учрашувлар кескинлиги билан фарқ қилиб туришини сезамиз. Магазинларда нима учун зарур молларнинг йўқлиги, чайқовчилик фактларига нима учун чек қўйилмаётганлиги, бир қанча ҳолларда нима учун аҳвол ёмонлашиб бораётганлиги кўп одамларга таъсир қилмоқда.

Баъзи кооперативларнинг фаолияти жуда катта эътирозларга сабаб бўлмоқда. Кимдан сўраманг, ҳамма кооператив тарафдори, лекин ердан маҳсулот ундирадиган кооператив тарафдори. Лекин магазинлардан маҳсулотларни шунчаки сотиб олиб, сўнгра уларни уч баравар қимматига пуллаётган кооперативлар ҳам оз эмас. Ўша кабоб 5-6 сўм туради. Ип ҳам, газлама ҳам йўқ бўлиб кетяпти. Аёллар нима учун кооператив пештахталарида ҳамма нарса бор-у, магазинлар эса бўм-бўш, деб ғазабланмоқдалар. Одамларнинг ўзлари бирон нарсани тикиб олишлари қийин бўлиб қолди. Бу аҳвол қачон тугайди?

М. С. Горбачев. Ўртоқ Гидаспов менга Ижор заводига борган вақтимдаёқ бошланган мунозарани ниҳоят тугатганлигингизни айтди. Барча кооперативларни қайта рўйхатга олишга, чайқовчилик йўлига ўтиб олган кооперативларни эса беркитиб қўйишга қарор қилинди.

Овозлар. Тўғри.

М. С. Горбачев. Мана сиз шу мавзудаги суҳбатимизни ҳамма раҳбарларингизга етказинг. Кооперативлар қайтадан рўйхатга олинсин. Шуни ҳам айтиб қўяй, кооперация тўғрисидаги янги қонунга кооперативларни очиш ёки беркитиш тўғрисидаги масалани ижроия комитети раисининг ўринбосари ёки бошқа бирор кимса, ижроия комитети эмас, балки жойларнинг ўзида депутатлар комиссияси ҳал қилиши лозим, деган бандни киритяпмиз.

Сўнгра ўртоқ Чичеров эътиборни норасмий бирлашмалар фаолиятига қаратди. У, жумладан, қуйидагиларни айтди: яқинда маҳаллий Советларга ва республикаларнинг Олий Советларига сайлов бўлади. Бу соҳада бизни сергаклантираётган нарса нима? Илгари халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган кўпгина ишчилар яна сайловолди курашида қатнашасизми, деган саволга: йўқ, бундай кампанияда бошқа қатнашмаймиз, деб жавоб бермоқдалар. Менимча, партия бу хусусда ишчилар синфига ёрдам бериши лозимлигини назардан четда қолдирди. Шу сабабли ишчиларда жамоат фаолиятига бефарқлик пайдо бўлмоқда. Чунончи, халқ фронти вакиллари ҳозирнинг ўзидаёқ телевидение орқали ўз программаларини баён қилиб бермоқдалар, биз эса жим турибмиз. Норасмийлар ўз программаларини ташвиқ қилишлари учун уларда воситалар ҳам, қоғоз ҳам, яхши матбаа станоклари ҳам бор, ишчилар эса баъзан телевизион экранга бир ойлаб уриниб ҳам чиқа олмайдилар, газеталарда ўз мақолаларини бостира олмайдилар. Масалан, «Киров заводи» бирлашмасининг партия комитетида: ишчи депутатларни қўллаб-қувватлаш учун қоғозимиз йўқ, матбаа станокларимиз йўқ, деб такрорлашдан чарчамаётирлар.

В. С. Чичеров нутқининг охирида ишчи назоратини ҳамма жойда фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Волжск автомобиль заводи электрчилар бригадири **В. М. Малихин** минбарга кўтарилади. Мени, деди у, олдин ҳам, ҳозир ҳам ташвишга солаётган нарсалар бор. Биз Пленумдан қайтиб борганимиздан кейин биздан: хўш, буёғи нима бўлади? Қандай ҳаракат қилмоқчисизлар, деб сўрашади. Очиғини айтаман: ҳамма саволларга жавоб қайтариш жуда ҳам қийин бўлади. Ҳозир ҳаммамиз шу залда ўтирибмиз, ҳаммамизнинг Марказий Комитет аъзоси, деган номимиз бор, номимиз улуғ, лекин қўлимиздан кўп иш келади, деб айта олмаймиз. Ҳозирча бизнинг позициямизга кўп нарса боғлиқ эмас, чунки биз жойлардаги ношуд партия ходимларидан чинакамига жавоб беришни талаб қила олмаймиз. Партия уставида ҳам, бошқа ҳеч қандай йўл-йўриқда ҳам бизнинг ҳуқуқларимиз, Марказий Комитет аъзоларининг жойлардаги ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилмаган. Айтайлик, ишни барбод қилгани учун шаҳар ёки район партия комитетининг бирор секретарини ишдан бўшатишни талаб қила оламизми? Шахсан мен бунақасини ҳеч эшитмаганман. Жуда нари борса, агар сени ҳурмат қилишса, сенинг фикрингга қулоқ солган бўлишади. Бундан ортиқчасига умид қила олмаймиз. Эҳтимол фақат бизда шундайдир? Лекин бошқаларнинг ҳам аҳволи яхшироқ бўлмаса керак. Ҳозир партияга ҳар томондан айб тўнкашаётган пайтда Марказий Комитет аъзосининг ҳар бир сўзи айниқса асосли ва нуфузли бўлиши керак.

Шахсан менга кўп одамлар хат билан мурожаат қилишади, деди сўнгра нотиқ. Кўп одамларни уйимда қабул қиламан. Уйда қабул қилган ҳам яхшироқ. Мен қандай яшашимни одамлар кўришади. Кўп одамлар Марказий Комитетнинг ҳамма аъзолари кошоналарда яшашади, деб ўйлайдилар. Уйимга келишади-ю — уларнинг фикри ўзгаради. Лекин, баъзан алам қилиб кетади: бизга энг оддий нарсалар ҳам, айтайлик «КПСС Марказий Комитетининг аъзоси» деб аталган бланкалар ҳам етишмайди. Бирор илтимосни ҳам оддий қоғозга ёзамиз. Гапимга ишонаверинг. Бу — майда-чуйда эмас.

Энди мен тилга олмоқчи бўлган иккинчи масала ҳақида. Қонунчиликнинг бўшаштирилганидан халқ норози бўляпти. Қонунчиликнинг бўшашуви иғвогарлик билан, жамиятда носоғлом вазиятни вужудга келтириш билан шуғулланувчи кимсаларга қўл келмоқда, холос.

Ўртоқ Малихин пировардида ўзидан олдин сўзга чиққан кишиларнинг меҳнат низоларини фақат иш ташлаш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди, деган фикрини қўллаб-қувватлади. Жумладан, у нимадандир хафа бўлиб қолган ёки ҳокимият тепасига чиқишга уринаётган кишиларгина иш ташлашга даъват этаётганликларини таъкидлади. Бундай «арбобларга» қатъиян зарба бериш керак.

Тошкент авиация заводининг токари **В. Т. Одилов** сўз олади. Нотиқ М. С. Горбачевга мурожаат қилиб бундай деди: халқ депутатлари биринчи съездида иштирок этиб, икки соат мобайнида партия қаттиқ, баъзида эса далил-исботсиз, оқни қора қилиб танқид қилинганида, Михаил Сергеевич, юрак-бағрим ўртаниб кетди. Ўшанда область, шаҳар партия комитетининг биронта секретари ҳам партияни ҳимоя қилиб гапирмади. Биз ҳаммамиз шуни кутган эдик, аммо бундай бўлмади. Норасмий деб аталмиш кишилар ҳозир айрим идеология ходимларимиздан кучлироқ бўлиб чиқмоқда, чамаси.

Шундан кейин нотиқ диққат-эътиборни иқтисодий тусдаги муаммоларга қаратди. У, жумладан, бундай деди: ҳукуматнинг пахта майдонларини камайтириш тўғрисидаги қарорини Ўзбекистон аҳолиси маъқуллаб кутиб олди. Бу колхозчиларга 20, 25,30 сотихдан ер ажратиб бериш имкониятини беради, бу ерда улар сабзавот ва мевалар етиштиришлари мумкин. Шу йўлни бундан буён ҳам давом эттириш тўғри бўлур эди. Эҳтимолки, мен айтилган гапларни қайтарарман, деди сўнгра ўртоқ Одилов, аммо яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, меҳнат коллективлари билан учрашиш жуда қийин бўлиб қолди. Гап айланиб, бир хил саволлар қайтарилаверади: нега энди дўконларда совун, кир ювиш порошоги, қанд-шакар, бошқа моллар йўқ. Мен рўй-рост шуни айтишим керакки, назаримда, бу савдодаги мафиянинг қилмишидир. Асабий аҳволни вужудга келтириб, яна бир марта партияни, партия раҳбарларини айблаш кимларгадир фойдали бўлиб қолганга ўхшайди. Яна бир гап: бизда бекорчилар, текинхўрлар жуда кўпайиб кетди, бунга чек қўйиш керак.

Шундан кейин сўз Куйбишев авиация заводининг йиғувчи слесари **Г. И. Ануфриевга** берилади. Бу ерда тилга олинмаган икки масала хусусида гапирмоқчиман, деди у. Биринчидан, турғунлик даври ҳамма нарсанинг қон-қонига сингиб кетганди дейишганида, одам ҳаловатини йўқотиб қўяди. Кишининг кўнгли ўксийди. Масалан, биз ҳаммамиз умр бўйи ишладик. Умр бўйи худди фронтда ишлагандек ҳаракат қилдик: самолётлар етказиб бердик. Ҳозир йўловчиларнинг деярли ярми бизнинг самолётларда ташилмоқда. Хўш, худди ана шу меҳнат коллективимизда қандай турғунлик даври бўлган экан? Тушуниб бўлмайди, ҳозир баъзи кимсалар «турғунлик» деб чайқовчилик қилишмоқда. Биз, ишчилар ҳатто орденларимизни тақиб юришга уяладиган бўлиб қолдик.

Иккинчи масала — интизом ҳақида, ҳозир интизом бўшашиб кетган. Бу ҳаммани ташвишга солмоқда.

М. С. Горбачевнинг, нега энди, қайта қуришнинг биринчи йилларида меҳнат интизомини бузиш ҳоллари камайган эди-ю, кейинчалик яна кўпайди, кўпайганида ҳам бошқарув қуйидагилар, коллектив қўлига ўтаётганида кўпайди, деган саволига жавоб бериб, нотиқ ўз корхонасида хўжалик ҳисобидан фойдаланиш ҳақидаги қарорлар чалакам-чатти эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу заводда фақат шу йилдагина хўжалик ҳисоби нима эканлигини бир қадар ҳис этдилар.

Шундан кейин нотиқ Россия Федерацияси муаммоларига тўхталди. Тўғри биз Тоғли Қорабоғ, Болтиқбўйи тўғрисида кўп, адолатли тарзда кўп гапирмоқдамиз... Россия ҳақида эса фақат кейинги пайтда, иш ташлашлар бошлангандагина гапира бошладик. Россияни эса ҳамиша ёдда тутиш керак. Агар Куйбишев областини саноат жиҳатидан Эстония билан таққослайдиган бўлсак, шу область саноати анча кўламлидир, кўпроқ маҳсулот беради. Аммо аҳоли социал жиҳатдан Болтиқбўйига нисбатан анча ёмон яшайди. Бу адолатдан эмас.

М. С. Горбачев ишчига уқтириб, қуйидагиларни айтди: энг муҳим вазифаларни бажариш учун жавобгар бўлган иттифоқ корхоналари жойлашган регионга ажратмалар кам берилар эди. Танг қолади киши. Маҳаллий Совет ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунда эса ҳамма нарса рисоладагидек бўлади, тузатилади, бундан кўзда тутилган мақсад — энг қуйи бўғиндан тортиб барча Советлар ўз эҳтиёжлари учун нормал ажратмалар процентини олишдир.

Г. И. Ануфриев ўз нутқини якунлар экан, бундай деди: биз шарт қўймаймиз. Биз ишламоқчимиз. Аммо бизга регионал хўжалик ҳисоби зарур. Бошқа талабимиз йўқ. Ҳаммамиз қайта қуриш учун хизмат қиламиз.

Шундан кейин Украина ССРдаги Суворов номли колхоз қанд лавлаги етиштириш механизациялашган звеносининг бошлиғи **Е. Н. Парубок** сўзга чиқди. У ўз хўжалигида яхши ҳосил кўтарилаётганини айтди. Ҳар гектар ердан 45 центнердан дон хирмони кўтарилмоқда. Колхоз бўйича 500 центнердан қанд лавлаги йиғиштириб олмоқчимиз. Деҳқонлар қайта қуришга ишонадилар, деб таъкидлади у, қайта қуриш жадалроқ боради, деб кутиб турибдилар. Қайта қуриш яхши бошланган эди, лекин ҳозир у ғовга рўпара келиб қолганлиги жуда ташвишлантирмоқда. Бу ғов жуда жўн ғовдир, деди нотиқ. Масалан ҳозир деҳқон, механизатор, мен ва ўртоқларим бир кварталга бир бўлак совун олмоқдамиз. Ахир аъзойи баданимизга лой, қора мой, чанг-тўзон ёпишадику. Деҳқон ихтиёрида иссиқ сув йўқ, бор сув эса совуқ ёки муздек. Далада эрталаб соат 5 дан кечқурун соат 10 гача ишлагандан кейин механизатор ёки сут соғувчига ўша бир бўлак совун ёки бир пачка порошок урвоқ ҳам бўлмайдику! Топширилган ишнинг бажарилишини ҳар бир кишидан қаттиқ талаб қилиш ва одамларга ғамхўрроқ бўлиш керак — ана шу етишмовчиликлар яхши ўзгаришлар йўлига ғов солмоқда.

Биз ҳозир озиқ-овқат борасида вужудга келган аҳволни тушуниб турибмиз, деди сўнгра Е. Н. Парубок. Планга қўшимча тарзда гўшт ва сут, дон ва картошка сотмоқдамиз. Одамлар, хўш бунинг ўрнига нима оламиз, деб сўрашганида, улар билан гапиришиш қийин бўлиб қолмоқда. Цемент йўқ, ёғоч-тахтанинг 1 кубометри 150 сўм, ғишт 100 сўм, мих йўқ. Ўғлимга 20 та ўқувчилар дафтари топа олмай овораю-сарсонман! Ишончим комилки, буларнинг барчаси мафиянинг ишидир, кимдир обдон бойлик орттирмоқда, деб ўз фикрини айтди нотиқ. Хўш, шу мафиянинг таъзирини бериб қўйса бўлмайдими? Бу нима деган гап: ҳозир ёш механизатор, сут соғувчи ёки оддий мутахассис учун уй қуришга 40 минг сўм пул керак. 20 минг сўмини колхоз беради. Аммо бу колхознинг ўзидан ҳам йил сайин путур кетмоқда, камбағаллашмоқда. Агар илгари бир комбайнни 7 минг сўмга сотиб олган бўлсак, ҳозир 48 минг сўм тўламоқдамиз. Силос ўрадиган комбайнларни олайлик. Бу яхши комбайн, аммо уни сотиб олишга қурбимиз етмайди. Аммо ҳар қалай, биз ёшларни хўжаликда олиб қолмоқдамиз, улар бажонидил қолишмоқда. Бизда кадрларга катта эҳтиёж йўқ, аммо кадрларни олиб қолиш учун кўпроқ уй-жой қуриш керак. Ҳозир деҳқонга ҳам, колхозга ҳам қурилиш қилиш қийин бўлиб қолди.

Қишлоққа мадад бериш керак. Мадад берилса, биз мамлакатни тўйдирамиз. Қўлимизда ер ва сув бор, одамларимиз яхши, аммо пештахталар бўм-бўш, ахир алам қилмайдими.— Айтмоқчи, шу кунларда Украинада йиғим-терим давом этмоқда, офтоб чарақлаб турибди. Механизаторлар эртаю кеч далада, аммо ўтган йилдагидек икки ҳафта мобайнида бензин ҳам, дизель ёнилғиси ҳам бўлмай қолиб, бошқа хўжаликларда ҳам, ўзимизнинг колхозимизда ҳам барча комбайнлар ва автомобиллар тўхтаб қолгудек бўлса, деҳқон тер тўкиб ишлашининг нафи бўлмайди, дастурхонимизда озиқ-овқат кўпаймайди. Демак, қишлоққа ўз вақтида керак нарсаларни, кўмирни, соляркани, қурилиш материалларини етказиб бериш керак. Бунинг ўрнига эса сўнгги вақтда ғаллакорнинг ҳовлисига тез-тез турли фронтлар ва «рух»ларнинг элчилари келишиб, деҳқонни митингларга чалғитишмоқда. Буни қаранг энди, йиғим-терим вақтида майдонга чиқишимиз керак эмиш. Иш ташлаётганларга ва митингбозларга айтадиган гапим бор: сўз бошқаю, иш бошқа, бор нарсани йўқ қилиш осонроқ.

Баъзи кооператорларни тергаб қўйиш керак, деб ўйлайман. Бас энди, экономикани қақшатиш, кончи билан механизаторни шип-шийдон қилиб кетиш. Масалан, улар давлат совунини 40 тийиндан сотиб олишиб, 3 сўм 40 тийиндан пуллашмоқда. Бир дона совунга 3 сўмлик «қалпоқ» қўйишмоқда. Бу меҳнаткаш одамга қонунлаштирилган «ёрдам» эмиш. Мен умр бўйи Киевдан шампунни 1 сўму 60 тийинга сотиб олар эдим. Мана энди «Табассум» деган кооператив янги ёрлиқ ёпиштириб, 4 сўм 60 тийиндан пулламоқда. Мана буни «Табассум» дейдилар!

Волгоград областидаги «А. Н. Косигин номли Камишин тўқимачилик комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиси **В. Н. Черкашина** сўз олади. У ўз ўртоқларининг интизом тўғрисидаги сўзларига қўшилди. Агар ҳар биримиз ўз иш жойимизда ўз ишимизни дуруст бажармасак ва бу ишни бошқатдан қилишга тўғри келса, юмушимиз сира юришмайди, деб таъкидлади В. Н. Черкашина. Масъулиятни ҳам ошириш керак, албатта, чунки мана ўзингиз кўриб турибсиз, бизда жуда кўп яхши қарорлар қабул қилинади. Аммо у ёки бу қарорнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган аниқ одам йўқ. Хўш, ҳушёрлик тўғрисидаги қароримизнинг оқибати нима бўлди? Ичган одам ичиб юрибди, қанд-шакар эса ғойиб бўлиб қолди.

Шундан кейин нотиқ оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва жавобгарлиги тўғрисида гапирди. Бизда сиёсат бир ёқлама бўлиб кетди, деди у. Телевидение ва газеталарда партия ходимларини ҳар ким хоҳлаганича саваляпти, ким қаттиқроқ танқид қилса ва кўпроқ озар берса, ўша «замон қаҳрамони» эмиш. Нега энди газета саҳифалари, телевидение экранлари билимдон, обрўли партия ходимларига берилмаяпти? Ахир биз жойларда ҳақиқатан ҳам соф виждонли меҳнаткашлар борлигини, вақт билан ҳисоблашмасдан, куч-қувватни аямай, коллективлар ҳузурига келаётган, одамларга ёрдам бераётган ходимлар борлигини биламизку. Улар меҳнат коллективлари кенгашларига ҳам келишмоқда, бу ходимларга жуда нозик саволларни ҳам беришяпти. Улар бу саволларга жавоб беришдан ўзларини четга олишмаяпти.

Ҳамма ҳокимиятни топшириш ҳақида гапирмоқда, деб таъкидлади сўнгра нотиқ. Аммо шунга ишончингиз комил бўлсинки, партия ходими ҳузурига келиб, ҳасратингни айтмагунингча ва у масаланинг мағзини англаб уни ҳал этишни ўз зиммасига олмагунча масала карахт бўлиб тураверади. Ўнлаб кабинетга кириб чиқасан, фақат партия ходимигина ёрдам бера олади. Бу бор гап. Нега энди ҳозиргача ҳам халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари фаолиятсизлик қилишмоқда? Тушуниб бўлмайди, ёки уларнинг ҳуқуқи йўқ, ё ўша ҳокимиятни қўлларига олишни исташмайди.

Шундан кейин В. Н. Черкашина тармоққа оид ўткир муаммони тилга олди. Тўқимачиман, қарийб 30 йилдан бери ишлаяпман, деди у. Аслида ҳамма вақт битта дастгоҳда меҳнат қиляпман. КПСС XXVII съездида ҳамкасбим В. Н. Плетнева енгил саноат учун ускуналар ҳақида гапирган эди. Орадан тўрт йил ўтди, лекин ўзгариш бўлгани йўқ. Йигирув машинамизни олайлик.

(Давоми 2-бетда).

ҲОСИЛ-89

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Хоразм области. Айни кунларда бу ерда пахта терими тобора қизитилмоқда. Далаларда кўплаб машиналар жавлон уриб, хирмоннинг тезроқ тикланишига кўмаклашаётир. Шунинг учун ҳам область пахтакорлари юксак суръатга эришишаётир. Кунига йиллик планнинг уч проценти миқдорида хом ашё тайёрланмоқда. Хоразмликлар шу кунгача йиллик планнинг учдан бирини бажариб қўйишди.

Шовот райони пахтакорлари ҳам пешқадамлар сафида боришаётир. «Москва» колхози деҳқонлари районда биринчи бўлиб теримга киришган эдилар. Ҳозир далаларда 22 терим машинаси юксак унум билан ишлатилмоқда. Лекин шунга қарамай қўлда ҳам пахта теришга тўғри келади. Колхозда мактаб ўқувчилари ва район маркази аҳолиси хизматдан воз кечилган. Оилавий звенолар теримда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишаётир. Колхоз коллективи ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиб, Ватанга 5020 тонна биринчи сортли хом ашё сотишни мўлжаллашган.

Суратларда: 1. Шовот район агросаноат комитетининг раиси Олтинжон Бобожонова (ўнгда), теримчилардан Ўғилжон Қурбонова, Авазжон Матёқубова. 2. Бункер бўшатиляпти.

Қ. Отаев сурати (ЎзТАГ).

Ўзбекистон меҳмони

Нидерландия қироллигининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Петрус Бувалда Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлди. У Тошкент, Бухоро ва Самарқандда бўлиб, мазкур шаҳарларнинг тарихий ва меъморий обидалари, меҳнаткашларнинг турмуши билан танишди.

Меҳмонни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда республика ташқи ишлар министри С. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

М. Тэтчернинг Москвада бўлиши

Олий даражадаги Совет-Британия амалий учрашуви доирасида 23 сентябрь куни М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева номидан Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер шарафига дастурхон ёзилди ва суҳбат ўтказилди.

Ҳозир бўлганлар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин, Совет Иттифоқилик ва Британиялик бошқа расмий кишилар бор эдилар.

* * *

Шу куни М. Тэтчер совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференциясида сўзга чиқди. У бу галги учрашувни М. С. Горбачев билан 1984 йилдан буён ўтказилаётган мунозараларда яна бир босқич деб атаб, шу вақт ичида Совет Иттифоқида жуда катта ўзгаришлар рўй берганини, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда силжишга эришилганини уқтириб ўтди. М. Тэтчернинг таъкидлашича, Ғарб СССРдаги янгиланиш жараёнларини қатъият билан қўллаб-қувватлайди, чунки бу жараёнлар бутун дунё учун муҳимдир.

* * *

Кечқурун М. Тэтчер Москвадан Лондонга жўнаб кетди. Аэродромда уни Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН КУРАШДА УЮШҚОҚЛИК ВА ТАРТИБ КЎПРОҚ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу машинанинг ҳатто техникавий имкониятлари сифатсиз калава чиқаришга мўлжалланган. Аёлларимиз ҳам, эркакларимиз ҳам юпқа газламадан тикилган енгил кўйлакларни кийишни истайдилар. Бу ускунада эса биз ана шундай газлама тўқий олмаймиз. Биз тўқимачилар, янги, сифат жиҳатдан янги ускунага муҳтожмиз.

30 йилдан бери сабзавоткорман, деди ўз нутқида Ленинград областидаги «Детскосельский» совхози сабзавоткорлик бригадаси бошлиғи **В. Р. Паршина**. Биз, ленинградликлар муҳофаза этилган тупроқда биринчи бор сабзавот етиштиришга киришган эдик. Лекин меҳнат шароитлари чатоқ. Мен ишга дастлаб келганимда аёлларимиз қўлида лом, хаскаш, паншаха, белкурак кўрган эдим. (Бу, асосан, хотин-қизлар ишидир. Бригадамда 120 киши бор: 9 нафари эркак ва 111 нафари аёл). Ҳозир ҳам улар қўлида ўша-ўша белкурак, хаскаш ва паншаха, фақат лом йўқ.

1982 йили Марказий Комитетнинг май Пленумида сиз, Михаил Сергеевич сўзга чиқиб, қайта ишлаш ва асраш базасини ривожлантирамиз, деганингизда жуда хурсанд бўлган эдим. Орадан етти йил ўтди. Қанчалик кўп сабзавот увол бўлиб кетаётган бўлса, ҳозир ҳам шунчаси увол бўляпти. Одамларимиз сабзавотга нечоғли махтал бўлиб туришганини биламизку, ахир биз сабзавотни жуда кам истеъмол қилмоқдамизку, шунча кўп сабзавот бекорга исроф бўлиб кетяптики, одам ўз касбини ҳурмат қилмай қўймоқда. Шундан кейин бизнинг кайфиятимиз қандай бўлишини билсангиз эди. Қишлоқ хўжалигини қайта тузиш жуда чўзилиб кетди, қуйида эса аста-секин бўшашувчанлик бошланмоқда.

Мамлакатимиз муштаракдир, мен шундай деб ўйлайман. Аммо, масалан, савдони оладиган бўлсак, у давлат ичидаги давлатдир. Қишлоқ хўжалигида 30 йил ишлаб шунга ишончим комил бўлдики, савдонинг деҳқон неъмати айниб-чириб кетаётгани билан иши йўқ. Тайёрловчилар ҳам парвойи-палак. Сабзавотни биз йил бўйи етиштирмоқдамиз. Конвейерни йўлга қўйдик. Демак, базалар ҳамма нарсани олишга шай бўлиши керак. Улар эса ҳозир маҳкамаларидан зада бўлгани учун аламини биздан олишмоқда.

Ёки нитратлар билан барчани бирданига чўчитиб қўйишганини олайлик. Ўша Ленинград телевидениесига бир неча марта бориб айтдим: менга сўз беринг, нега энди сиз одамларнинг эҳтиросини авжига чиқаряпсиз? Базаларга сабзавот керак бўлмай қолганида, «600 секунд» деб аталган телевизион кўрсатув дарҳол орага аралашиб бундай деди: «Детскосельский» совхозининг сабзавотлари заҳарланган эмиш. Бу нима деган гап ахир?

Ишчи одам телевидениега чиқиши жуда амри маҳол бўлиб қолди. Шаҳар ва область партия комитетларининг қўшма пленумида ишчи Юрий Иванович Арефьев сўзга чиққан эди. Фиғони ошиб неча марталаб сўз беринг, айтадиган гапим бор, деди у, эҳтимол унчалик чиройли гапирмасман, лекин юракдан айтадиган сўзим бор, етилган масалалар ҳақида гапирмоқчиман.

Мен ҳам етилган масалаларни гапирган бўлур эдим: ахир ёшлар ҳозир хўжалигимизга келишмаяпти. Агар сабзавотчиликда машиналар ишлатилганида — экишдан тортиб йиғим-теримгача технология занжири бўлганида эди ёшлар ҳам келишарди, бошқа масалалар ҳам ҳал бўлар эди.

Красноярск шойи комбинатининг тўқувчиси **Г. В. Касьянова** сўзга чиқади. Красноярск ўлкаси ишчиларини жиноятчилик авж олаётгани ниҳоятда ташвишлантирмоқда, деди у ҳаяжонланиб. Мафия, чайқовчиликдек иллат барча регионларга тарқалиб кетди. Шунинг учун ҳам ишчилар дарғазаб бўлишаётганида жон бор. Тартиб ўрнатиш керак.

Яна бир масала хусусида гапирмоқчи эдим. Бугун менга Красноярск шаҳридан икки марта қўнғироқ қилишди. Ҳозир партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлмоқда, эндиликда ишчилар эмас, ўрта бўғин раҳбарлари — цех бошлиқлари, усталар дарғазаб бўлишяпти. Ахир улар ҳам ишчилар билан биргаликда елкаларига оғир юк олишган. Исталган газетани олиб назар ташласангиз, бюрократия, бюрократизм ҳақидаги гаплар ошиб-тошиб ётибди. Кимки раҳбар бўлса, албатта бюрократ эмиш. Цех бошлиғини қандай қилиб бюрократ дейиш мумкин? Раҳбарларни шу қадар бадном этишдики, ўрта техник билимли ёки олий маълумотли ишчилар цех бошлиқлари бўлишни исташмайди. Яқинда биз цех бошлиғини сайламоқчи бўлганимизда номзод топа олмадик — ҳеч кимнинг ана шу лавозимда ишлагиси йўқ. Ҳеч ким рози бўлмади. Илтимосим шуки, матбуотда ҳам тартиб ўрнатиш керак. Бутун мамлакат машҳур директор Кабаидзе ҳақида ўқиди. Наҳотки мамлакатимизда Кабаидзе ёлғиз бўлса? Нега бошқа директорлар ҳақида ёзишмаяпти? Йирик заводларимиз, яхши раҳбарларимиз ҳам бор. Улар ҳақида ёзилмаётгани учун раҳбарларнинг ҳаммаси ёмон, ҳаммаси дуруст эмас, деган фикр туғилмоқда.

Мен гапирмоқчи эмас эдим, аммо ана шу телефон қўнғироқлари шу ҳақда гапиришга мажбур этмоқда. Арманистонда зилзила бўлганида оиламизнинг ҳамма аъзолари йиғлашди, рост гап, телевизор олдида ўтириб йиғлашди. Мана яқинда Приморье ўлкасида фожиа содир бўлди. Хабарим бор, у ерда минг-минглаб одамлар бошпанасиз қолишди. Тўфон туриб, одамлар икки марта сув остида қолишди. Лекин бу ҳақда лом-мим дейишмаяпти. Нега ахир бундай бўляпти? Агар ёрдам бериш бўлса, ҳаммага баббаравар ёрдам бериш керак. Ахир бу ерда ҳам бахтсизлик бўлдику, одамлар бошпанасиз қолишди, чорва моллари нобуд бўлди, ҳосил ҳам, унумдор тупроқ ҳам ювилиб кетди. Матбуот эса лом-мим демайди. Хўш, Приморье ўлкасига қандай ёрдам беришди?

М. С. Горбачев. Приморье ўлкасига ёрдам кўрсатиш борасидаги зарур қарорлар қабул қилинди. Аммо бу тўғрида ҳақиқатан ҳам маълум қилиш, хабар қилиш лозим.

Г. В. Касьянова. Яна бир гап. Беш йиллик бошида биз Олий Советга мурожаат қилган эдик. Бизда, Красноярскда экология вазияти жуда жиддий. Бу борада Министрлар Советининг қарори чиққан. Аммо ҳанузгача бизда қарор ҳақида лом-мим ҳам дейилмаяпти. Унинг реал амал қилишини тезлаштиришни сўрардик.

«Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Молодогвардейская» шахтаси кончилик комплекс бригадасининг бошлиғи **А. Я. Колесников** сўзга чиқади.

Донбассда муаммолар жуда кўп, деб таъкидлади у, бироқ ҳозир баъзилар бу муаммоларни ультиматум тили билан ҳал этишга уринмоқдалар — Марказий Комитетгами, Олий Совет Президиумигами ёки Министрлар Советигами: менга бер, вассалом! деб талаб қўймоқдалар. Ахир фақат шундай қилиб биз барча муаммоларимизни ҳал эта олмаймизку. Берадиган нарсанинг ўзи ҳам кўп эмас. Ҳаммага яхши бўлиши учун ишлаш керак. Бизда ҳозир иш ташлашдан кейин унумдорлик пасайиб кетди, кўпчилик ишлашни хоҳламаяпти, фақат кўмир саноатидагина шундай эмас. Мен умримнинг 43 йилини забойга бердим. 1946 йилдан шахталарни тиклай бошлаганман. Шунинг учун ҳам юрагим зил кетади. Интизомни бир амаллаб йўлга қўйиш керак, интизом бўлсин. Раҳбар борки — бюрократ дейишади. Бундай тушуниш керак эмас! Модомики, биз сайлашга ўтдикми, ҳеч кимни уришмайдиган, ҳеч кимдан талаб қилмайдиган раҳбарни сайлашнинг нима кераги бор? Бундай бўлмаслиги керак. Раҳбар билимдон, ақл-заковатли, талабчан бўлиши керак.

Мен ҳамқишлоқларим билан ёнма-ён яшаб, улар мен, шахтёрдан кам ишлашмаслигини кўриб турибман. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ходимларига ҳам ёрдам бериш керак — улар сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришган! Бир пайтлар шундай эди: фурсати келдими — ёрдамга жўнардик. Бугун эса шаҳарликларнинг кўпчилиги: йўқ, дўконларга тайёрини олиб келишсин, дейишмоқда.

Партия органларимизни оёққа турғизиш керак. Кўпчилик саросимага тушиб қолди, албатта. Буни тушунаман. Партия ходими минбарга чиқиши биланоқ турли ҳуштакбоз ва бақироқлар топилиб қолади. Ҳатто оддий коммунистга ҳам қийин, бир оғиз сўз айтишга қўйишмайди. Дўқ-пўписалар ҳам бўлиб туради. Аммо биз руҳан тушкунликка тушмаяпмиз ва ўйлайманки, вазиятни енгамиз.

Ҳозир, деб сўзини давом эттирди нотиқ, 9—10-синф ўқувчиларининг, студентларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида ишламоқда. Аммо ўртоқлар, на газетада, на телевидениеда ана шу ёшларни, уларнинг ишини ёритишганини кўрдингизми? Йўқ, асосан бошқаларни кўрсатишади. Меҳнат умуман кейинги ўринга тушиб қолди. Ёшларга эса инсоннинг замонавий ижобий образи жуда зарур. Биз ким қаерда нимани ўғирлаганини, қаерда кимкимни ўлдирганини, қаерда нимани портлатганини кўрсатяпмиз, нега энди ҳозирги кунда 500 центнер лавлаги йиғиштириб оладиган ўша Емельян Парубкани кўрсатмаймиз? Нима учун тўқувчини кўрсатмаймиз? Ғаллакорни қаерда кўрсатдик? Металлургничи?

Бутун чоралар билан демократияни ривожлантира бориб, деди пировардида нотиқ, айни вақтда баъзи бировларнинг хушини жойига келтириб қўйиш, бамайлихотир мунозаралар учун шароит яратиш керак. Интизом керак. Ҳозир эса баъзи бировлар шахтага тушиб чиққаним учунгина 25 сўм тўла, деб талаб қилишяпти. Давлат ана шундай пулларни сочиб юбориши мумкин эмас-ку. Пулни ишлаб топиш керак.

Кемерово областидаги «Прокопьевскгидроуголь» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Зиминка» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи **В. С. Костин** сўзга чиқади. Мен ўртоқ Колесниковнинг бизнинг Кузбассда ва Донбассда содир бўлган воқеалар ҳақида билдирган фикрига қўшиламан, деб таъкидлади у. Кузбассда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ташкилот тузилмоқда. Бунинг устига ҳозир Донбассдан, Воркутадан, Қарағандадан, Москвадан бизга чопарлар келиб, ишчиларни гиж-гижламоқдалар. Менимча, бу масалалар марказий органларнинг эътиборини талаб этади. Ўйлайманки, иш ташлашларни ўтказишни ҳам қонун доирасига киритиш керак. Иложи борича тезроқ шундай қилиш керак.

Энди кадрлар ҳақида. Михаил Сергеевич, кечирасизу, лекин мен дангал айтаман. Мана, сиз мамлакат бўйлаб сафарларингизда сўзлаган нутқларингизда раҳбар ёқмадими — олиб ташланг уни, қайтадан сайланг... деган эдингиз. Баъзи бировлар ҳозир бу сўзларингизни дастак қилиб олган.

М. С. Горбачев. Ҳа, буни қаерда айтганимни биламан. Сиз мени тўғри тушунишингизни истайман. Ким нимага арзишини сиздан кўра яхшироқ ким билади? Биз ана шу омилни инобатга оляпмиз. Наҳотки биз қаердандир кимнидир сизга тиқиштирсак. Ахир, менимча, социализм халқ ўз раҳбарини ўзи сайлаши билан ажралиб туриши керак-ку. Маъқулини эмас, билимдонини сайлаш керак — бу бошқа гап. Сайладингизми, 3—5 йил тегманг, иш кўрсатишига имкон беринг. Ўшанда одам дадилроқ ҳаракат қила бошлайди.

Жойдан овоз. Яна таклиф киритишни истардик. Балки бу ўйлаб кўриш учундир. Ҳар ҳолда Сиёсий бюрода ишчилар синфидан бир-икки вакил бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

М. С. Горбачев. Бу масала жўн эмас. Шахсан мен съездолди мунозараларида бу масалани, аниқроғи, ишчилар синфининг партияга таъсирини кучайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш керак, деб ҳисоблайман.

Кривой Рогдаги В. И. Ленин номли «Криворожсталь» металлургия комбинатининг оператори **А. В. Сторожук** сўз олади.

Марказий Комитет пленумлари ҳақида айтишни истардим. Сўзга чиқиш учун кўп маротаба хат йўлладим. Аммо кўпинча область комитетининг биринчи секретарларига сўз беришади. Яхшиямки, бу учрашув ташкил этилган экан. Пленумга келсак, у ерда нутқлар учун 15 минут берилади. Аммо нутқларда қачадан-қанча такрорлашлар, умумий гаплар бўлади! Меҳнат шароитига кўникиб қолган биз, ишчилар эса аниқликни истаймиз. Бу эса оз.

Кеча Пленумда Закавказьеда қандайдир кучлар, Болтиқбўйининг баъзи жойларида эса қандайдир салбий кучлар ҳаракат қилаётгани тўғрисида гапирилди. Нима учун биз уларни кўришимиз мумкин эмас? Нима учун қайта қуришга қарши қаратилган нутқларнинг ташкилотчилари четда қолишмоқда? Михаил Сергеевич, яна бир гап, мен Пленумга тўппа-тўғри цехдан, олов ёнидан келяпман, ҳозир ҳам лабларим оловдан ловуллаб турибди, ишчилар Михаил Сергеевичга, Марказий Комитетга айтиб қўй — мамлакатимизда бизга тартиб, интизом керак, дейишди. Демократия — бу яхши. Лекин интизом ҳам керакда. Ўша гиж-гижловчи «тарғиботчилар» иттифоқ бўйлаб нима қилиб, қандай маблағлар эвазига юришибди, уларнинг ўзлари қандай қадриятларни яратишмоқда? Ахир барча моддий маблағлар ишчи қўллари билан ишлаб топилаяпти-ку.

Ёки матбуотни олиб кўрайлик. Кўпинча матбуот яхши, тўғри гапиради, ёзади. Лекин нима учун у меҳнат кишисини унутиб қўяяпти? Мабодо ишчи матбуот саҳифасида пайдо бўлиб қолса, ўшанда ҳам у нари борса кооператор бўлиб чиқади.

Баъзан бизнинг ҳаётий мақсадимиз бўлмайди. Меники энди чалғитиш қийин. Лекин ёшларчи? Уларнинг бир қисми биз билан ёнма-ён яхши меҳнат қилмоқда. Лекин қаердадир бир чеккада пулни сидириб олиб, уни ҳар қандай қилиб бўлсада топишга уринаётганларга эргашса —бу йигит қандайдир пасткаш бўлиб қолади. Ёки биз касаба союз пленумини ўтказдик дейлик. Ҳозир талабларни юқорига, юқори органларга юбориш одат бўлиб қолган. Ҳар қандай талабларни исталган поғонага юборишмоқда. Касаба союз ўз каналлари орқали, корхона маъмурияти эса ўз каналлари орқали мурожаат эта бошлайди. Гўё талабларнинг барчаси қондирилиши мумкиндек: гўё қандайдир олтинтепадан белкурак билан кавлаб олиб, мана сизга иш ташлашингиз учун келтирдик, дейишаётгандек. Шу ҳам иш бўлдими? Пулни ишлаб топиш керак! Илтимосимизга жавоб беришгани учун ҳам раҳмат. Баъзи жойларда эса шаҳар ва район партия комитетлари меҳнат коллективларидан ажралиб қолишди. Бу яхши эмас. Ишчи коммунист позициясини ҳам мустаҳкамлаб бориши керак.

Н. А. Павлов, Тюмень областидаги СССР 50 йиллиги номли «Сургутнефть» бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори. Михаил Сергеевич, деди у, Сиз 1985 йилда бизнинг областимизда бўлган эдингиз. Яна келишингизни истардик.

(Давоми 3-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

Расмият учун эмас, моҳият учун айтаман — шу қадар рўй-рост гаплашиб олганимиздан мамнунман. Эҳтимол, ораларингизда бирортангиз «юқоридагилар» ҳаммасини билишмайди, деб ҳисобларсиз? Ундай эмас, ўртоқлар, ҳаммасини биламиз. Ҳозирги раҳбарият вазиятни билади ва уни қалбига яқин олиб, ҳамма ишларимизни сизлар билан баравар ҳис этади.

Ўзгаришлар ва янгиланиш яхшироқ ва тезроқ боришини ким кўпроқ истайди десангиз, бу партия ва унинг раҳбариятидир. Шу сабабли сиз билан бизда бу соҳада ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмаслиги лозим. Бунга Марказий Комитет таркибида иш олиб бориб, ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилган бўлсангиз керак. Биз ҳаёт қон томири қандай ураётганини сезиб, яхши эшитиб турамиз. Кенг ахборотга эга бўлиб, у ёки бу йўналишдаги сиёсий жиҳатга доир қарорларни: экономика соҳасидаги, идеология соҳасидаги, сиёсий ислоҳотга, партиянинг ўз фаолиятига тааллуқли соҳалардаги қарорларини қабул қиламиз. Уларнинг умумий йўналиши қандай? Бунда бизнинг позициямиз қандай? Ўртоқлар, бу ҳақда сизларга очиқчасига қуйидагиларни айтаман:

Биринчиси ва энг муҳими шундаки, биз инқилобий қайта қуришда тутган ёндашувларимиздан қайтмаймиз, бу соҳада бизга кўп нарсани тиқиштиришга уринаётган бўлсалар ҳам, биз ўша ёндашувлардан қайтмаймиз. Мамлакатимизни Октябрь асос солган қадриятлар негизида ривожлантираверамиз. Бундан чекинишга йўл қўйилмайди. Социализмни ривожлантирамиз ва бойитамиз, социализм ҳақиқатан ҳам меҳнаткашларнинг тузуми ва меҳнаткашлар учун тузум бўлиши учун, ҳар бир ишчи, меҳнаткаш инсон ўзини дадил ҳис этиши, бу ерда бегона эмас, балки ҳамма ишларни фаол ижодкори эканлигини, у ҳамма нарсага дахлдор эканлигини билиб олиши учун ҳамма ишни қилаверамиз.

Қайта қуришнинг асосий моҳияти, асосий фалсафаси ана шундан — инсон жамиятда ўзини керакли, деб ҳис қилиши учун, ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун ҳамма ишни қилишдан иборат.

Ҳамма нарса гўё жўндек кўринади. Лекин, маълум бўлишича, энг содда нарсалар энг мураккаб нарса экан. Биз режалаштирган ишларимизни қандай қилиб қисқа муддатда амалга оширишимиз учун тайёр тавсиялар ва жавоблар йўқ эди. Шу сабабли қайта қуриш сиёсатини қандай қилиб реал турмушга жорий этиш нуқтаи назаридан ҳақиқатан ҳам қийин аҳволга тушиб қолдик. Мана энди тажриба орттиряпмиз, бу ишда хатолар ҳам бўляпти. Корхона тўғрисида Қонун қабул қилдик, у принцип жиҳатидан тўғри. Қонун одамлар ўз иш соҳаларида ўзлари хўжайинлик қилишларига қаратилган. Аммо шундай бўлдики, бу соҳада ҳам баъзи бировлар Қонунни ўзларининг тор худбинлик мақсадларига, гуруҳбозлик мақсадларига буриб юбордилар. Баъзи бировлар даромадларни ва иш ҳақини ҳатто ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига тезроқ кўпайтиришни хоҳлайдилар —сўзсиз равишда янгилаш лозим бўлган ана шу фондлар асосида уларнинг ўзлари бугун ва эртага иш олиб боришларини унутиб қўядилар.

Сиёсий ислоҳот ҳам жўнгина амалга оширилаётгани йўқ. Аслида у жамиятнинг бутун турмушини соғломлаштиради, унинг маънавий имкониятларини очиб беради. Лекин, шу билан бир вақтда, ана шу соғлом жараёнлар билан бирга салбий ҳодисалар ҳам юз бермоқдаки, улар ҳозир ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Бинобарин, бу соҳада ҳам тузатишлар лозим. Тўғрисини айтаман: кўпгина чалкашликлар биз ҳаётнинг ўзи ва қайта қуриш ўртага қўйган барча саволларга тайёр жавобга эга бўлмаганлигимиз сабабли юз бермоқда. Ана шу унча жўн бўлмаган жавобларни биргаликда қидиряпмиз. Ҳаётнинг ва ҳар қандай жамият тараққиётининг мантиқи ана шундай. Масалан, биз мулк тўғрисидаги масалани, социалистик мулкнинг турли шаклларидан фойдаланиш ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб иш юришмайди, деган хулосага дарҳол келганимиз йўқ.

Республикалар ёки бошқа маъмурий тузилмаларнинг иқтисодий мустақиллиги, корхоналарнинг хўжалик юритишдаги мустақиллигига доир масалаларни ўртага қўяр эканмиз, биз буларни чуқур ва асосли равишда англаб олишимиз керак. Лекин, биздаги корхоналар йиллар давомида вужудга келган минглаб жонли ишлаб чиқариш ришталари билан боғлиқлигини кўзда тутган ҳолда англаб олишимиз лозим. Шу сабабли ана шу алоқаларни ўйламай-нетмай бирданига узиб ташлаш мумкин эмас. Жиддий сиёсатчилар ҳам, жиддий иқтисодчилар ҳам бундай қила олмайдилар. Бинобарин, биз зарур тузатишлар киритиб, вужудга келган масалаларни ўз вақтида ҳал этиб, қатъият билан ишни давом эттиришимиз лозим. Бу — биринчидан.

Иккинчидан. Сизларнинг бутун ахборотингизни, сизларнинг маслаҳатларингиз ва талабларингизни тўла-тўкис қабул қиламан ва тушунаман, бунинг устига сизлар айтган гаплар — фақат сизларнинг шахсий гапларингиз эмас — чунки сизлар бу ерга минглаб одамларнинг кайфиятларини олиб келгансизлар. Ҳақиқатан ҳам умуман тартиб кўпроқ бўлиши учун ҳозир мамлакатда интизомни мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун эса фақат иқтисодий воситаларни эмас, қонун кучини ҳам, партиявий ва тарбиявий таъсирни ҳам, шу жумладан — матбуот, телевидение ва радио орқали ишга солиш керак. Сизлар кўтарган масалалар — тўғри, адолатли. Улар бутун жамиятнинг кемамиз тўғри йўлдан оғишмай бориши хусусидаги ташвишларини акс эттиради.

Партиядаги аҳвол, унинг қайта қуришдаги роли учун сизларнинг ташвишларингизга тўла қўшиламан. Менинг одамлар ҳузуридаги гапларимда, суҳбатларимда шу мавзу ҳамиша тилга олинишини биласизлар. Энг аввало шуни айтаманки, партияга ҳуруж қилаётган кишилар қайта қуришни ва жамиятдаги барқарорликни кўпормоқдалар. Мен бу гапни сиз билан биз коммунистлар, Марказий Комитет аъзолари бўлганимиз учун айтаётганим йўқ, мен эса бунинг устига муайян хизмат бурчига эга бўлган Бош секретарлигим учун айтаётганим йўқ. Ундай эмас. Бу, гапнинг асл моҳиятидир, ўртоқлар.

Бизга сиёсий йўналишларни ишлаб чиқишда доимий ёрдам берадиган куч жуда зарур. Жамият қаерга ва нима учун бориши лозимлигини, бунда нимага асосланиш кераклигини билиш учун ана шундай куч бўлиши лозим. Илҳомбахш мақсадсиз яшаб бўлмайди. Йўлчи юлдуз ҳамиша керак. Ҳар бир инсонга ҳам, умуман жамиятга ҳам йўлчи юлдуз керак. Бизга КПСС ижтимоий тараққиёт манфаатларини кўзлаб бирлаштирувчи куч сифатида жуда зарур. Буни фақат янгиланган партиягина уддалай олади. Буни аниқ тушуниб етиш керак. Бизга бошқа мақсадлар ва қадриятларни тиқиштиришга, жамиятимизни занфлаштиришга уринаётган кучлар ҳам бор. КПССнинг қайта қуришга доир қатъий позицияси уларга мақбул эмас.

Шу муносабат билан айтишим кераки, агар биз партия каби кучни фақат сақлаб қолиб эмас, балки янгилаб олсак, унга қудратли жўшқинлик бахш этсак, бошлаган ишимизнинг муваффақияти таъминланади. Бу ҳам энг асосий масаладир. Бизнинг уялишимизга асос йўқ. Бизнинг позициямиз ва мақсадларимиз ҳалол. Бинобарин, ҳаракат қилиш керак. Тўғри, партияда рашидовлар ҳам, щелоковлар ҳам, уларга ўхшаганлар ҳам бўлган. Аммо партиянинг қиёфасини улар эмас, балки миллионлаб ҳалол коммунистлар белгилаганлар, улар ҳозир ўз меҳнатлари билан қайта қуриш ишини олға силжитмоқдалар. Шунинг учун ҳам партия ичидаги яккамоховларни бутун партияга, раҳбарлар орасидаги яккамоховларни бутун раҳбариятга тенглаштириб бўлмайди.

Ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш учун партия ҳамма ишни қилмай қўймайди. Бу жараён оғир ва қийинчилик билан бўлса ҳам давом этмоқда, деб ўйлайман. Сайлов бизга кучли туртки бўлди. Агар партия жамиятнинг пешқадамлик мавқеини сақлаб қолишни хоҳласа, у ўз сафларини қайта қуриши лозим. Биз кабинетларда ўтириб, эски издан ҳаракат қила олмаймиз ва ҳаракат қилмаслигимиз керак, илгари ҳамма ишни аппарат ўз қўлига олган, ҳаммага, ҳатто Марказий Комитет аъзоларига ҳам ўргатар эди. Энди у вақтлар қайтиб келмайди. Ҳозир эса — одамлар ҳузурига боринг, ҳаётда нималар бўлаётганини, одамларни нималар ҳаяжонга солаётганини кўринг, турмушни яхшилашга ёрдамлашинг, кадрларни ана шу ишга сафарбар этинг, ҳамиша одамлар билан бирга бўлинг: ҳозирги пайтда ҳар қандай даражадаги партия ходимига ана шундай ёндашув ва услуб керак!

Биз Октябрь фарзандлари эканимизни илгари ҳам кўп марта гапирганман. Орзу-умидларимиз ва қадриятларимизнинг ижтимоий рангини ўзгартириш учун ҳар қандай уринишларга мен қатъиян қаршиман. Биз халқни корхонада, районда, шаҳарда, мамлакатда ҳақиқий хўжайинга айлантиришимиз керак — бу бошқа гап. Халқ, аввало, ишчилар синфи барча демократик жараёнлар орқали реал ҳокимиятга эга бўлиши, мамлакатни бошқариши лозим. Халқимиз бундан бошқа йўлни қабул қилмайди ҳам.

Биз ўз социалистик йўлимизни барпо этишимиз ва барча қийинчиликларга бардош бериб, шу йўлдан боришимиз лозим. Бу оғир ва қийин, лекин биз ҳаммасини қиламиз, ҳаммасига бардош берамиз, деб ўйлайман. Шу сабабли партияни мустаҳкамлаш керак. Ана шу маънода бўлиб ўтган Пленум Марказий Комитетга ҳам, барча коммунистларга ҳам яхши омил бахш этди, деб ўйлайман. Қандай ҳаракат қилиш, қандай олға бориш, қандай ҳал этиш каби масъулиятли ишни сафларимизни жипслаштирувчи тарзда тушуниб етиш ҳаммага ўтиши лозим. Ҳамма эски, бюрократик йўлдан қочиб, халқ билан доимий алоқада бўлиши керак. Бу — энг муҳими. Ҳозирча бизда худди ана шу нарса етишмаяпти.

Баъзи коммунистлар ва партия ходимлари ҳимоя ҳолатига тушиб қолиб, кўпинча янги муаммолар, қийинчиликлар олдида ожиз бўлиб қолмоқдалар. Шундай пайтда улар фаол ва дадил ҳаракат қилишлари учун нима халақит бермоқда, деган савол туғилади. Истеъдод етишмасмикин ёки кимгадир ахлоқий ва маънавий ҳуқуқ етишмаса керак? Одамларнинг онги ва қалбига таъсир қилиш учун кураш давом этади, ўртоқлар. Марказий Комитет аъзолари бўлган сизлар буни тушунишингиз керак. Гарчи биз инқилобий ҳаракатни бошлаган эканмиз, гарчи теран ўзгаришлар содир бўлаётган экан, барча ишлар оддийгина рўй бериши мумкин эмас ва рўй бермайди ҳам. Бизда нима ва қайси йўналишда белгиланганлигини ёки белгиланаётганлигини аниқ пухта кўра билишимиз, салбий жиҳатларнинг олдини ўз вақтида олишимиз лозим. Бундай ҳолатларни кўрмаслик ва айтиш мумкинки, буларнинг ҳаммаси чувалиб кетишига имкон бериб қўйиш умумий ишимизга катта зарар етказади. Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак. Аммо қайта қуриш жараёни секинлашишига ёки сусайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди, бир жойда депсиниб туришга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай тўхтаб қолиш ҳалокатли — бу орқага, биз бошимиздан кечирган ўтмишга қайтиш бўлади.

Биз дадилроқ ҳаракат қилишимиз зарурлиги тўғрисидаги фикрга қўшиламан ва ҳозир биз, Сиёсий бюро ва ҳукумат мана шу масала билан шуғулланяпмиз. Биз кўпдан-кўп тақчилликлар билан боғлиқ масалани ҳал этишимиз, бозордаги кескинликни пасайтиришимиз керак. Катта социал масалаларни ҳал этиш, ишларни авж олдириб юбориш учун вақт талаб этилади. Буни ҳамма тушуниши лозим. Аммо бошқа томондан олганда, шу нарса мутлақо равшанки, биз мамлакатда етиштирилаётган барча нарсаларни тақсимлаш механизмига ҳам ғоят катта эътибор беришимиз даркор. Камёб маҳсулотлар чайқовчилар қўлига, қийинчиликларимиздан фойдаланиб, бойлиқ орттираётган кимсалар қўлига ўтиб кетмаслиги учун ишчиларнинг қаттиқ назорати зарур, деган фикрга қўшиламан. Чайқовчиларга ва олибсотарларга, бошқаларнинг ҳалол меҳнати эвазига кун кечираётганларга қатъиян зарба бериш керак.

Учрашув чоғида мен барча энг муҳим масалаларни, назаримда, бу ерда ўртага қўйилган масалаларни белгилаб олдим. Биз ана шу масалаларни, албатта, муносиб тарзда кўриб чиқамиз.

Бу ерда КПСС Марказий Комитети аъзосининг мақоми ҳақида тўғри гапиришди. Тажриба бизда бу масала ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиб турибди. Партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари составига кирган коммунистлар одамларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш учун ҳатто иш жойига эга эмаслар. Транспорт билан боғлиқ масалани ҳам ҳал этиш лозим. Бу ерда Марказий Комитетнинг жойлардаги аъзолари ички сиёсий ва халқаро масалаларга оид зарур материалларни, умумий ахборотларни ўз вақтида олишлари, ҳар қандай масалага оид мунозараларда қатнашишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрган бўлишлари учун уларни вақтида хабардор қилиб туришни яхшилаш ҳақида тўғри гапирдилар. Яқин келгусида КПСС Уставидаги КПСС Марказий Комитети аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқ бир қанча янги қоидаларни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Учрашув биз ҳаммамиз фаол ва аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилишимиз зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу ерда жойлардаги қийинчиликлар тўғрисида кўп гапирилди. Марказни танқид қилишди. Мана шу танқидни қабул қилар эканман, ҳеч қандай марказ мутлақо ҳамма нарсани қилишга, барча ишларда жойлардаги вазифани бажаришга қодир эмаслигини эслатиб ўтишим керак. Юзага келаётган ҳар қандай масалаларни ва қийинчиликларни ҳал этишда юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай, кўпроқ ташаббускорлик ва мустақиллик кўрсатиш лозим. Шундагина қайта қуриш амалий тус олади. Йўл йўловчи билан равон бўлади.

Бу ерда ҳар қандай бошқарув системасида билимдон кадрлар зарурлиги ҳақида тўғри эслатиб ўтишди. Кадрлар қанчалик омилкор, билимдон ва малакали бўлса, иш шунчалик муваффақиятли юришиб кетади. Бутун тажрибамиз, турмушимиз шуни кўрсатиб турибди. Бошқа бир масала тўғрисида гапирмоқчиман — биз ҳаммамиз кадрлар танлаш усулини такомиллаштиришимиз керак. Кейинги вақтгача мавжуд бўлган кадрларни яширинча маъмурий йўл билан тайинлаш кадрларимиз сафини қашшоқлаштириб қўйди, унинг битмас-туганмас имкониятларини намоён этмади. Бундан эса мамлакат зарар кўрди. Биз халқ хўжалигининг барча соҳаларида кўпдан-кўп истеъдодли кадрларга эгамиз. Уларнинг тўла куч билан ҳаракат қилишига, кўпроқ мустақил бўлишига имкон бериш лозим. Чунки бизнинг мамлакатимиз сингари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган улкан мамлакатни марказдан буйруқ бериш билан бошқариб бўлмайди.

Бу ерда армиямиз, унинг мудофаа қобилияти тўғрисидаги масала кўтарилди. Бу ҳақда қисқача бўлсада, гапирмоқчиман. Энг аввало, сизлар шуни билишингиз лозимки, биз мудофаамиз пухталиги ва мамлакат хавфсизлиги ҳамиша зарур тарзда таъминланишидан ҳеч бир чекинмаймиз. Бунинг учун биз барча зарур нарсалар билан таъминланган, халқнинг ғамхўрлиги ва мададидан баҳраманд бўлган замонавий армияга эга бўлишимиз, офицерлар ва солдатлар ҳозир ҳам, келгусида ҳам ўз бурчини бажаришлари учун барча зарур нарсаларга эга бўлишларини ҳис этишлари керак. Принцип жиҳатдан қараганда, армия тўғрисидаги масала ҳамиша шу тарзда ҳал этилиши даркор: мамлакат манфаатларини кўзлаб, унинг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб барча зарур чораларни кўриш лозим. Халқ фарзанди, жон-тани билан халқники бўлган армия халқ манфаатларига хизмат қилиши зарур ва ҳеч қандай ҳолатда ҳам буни унутмаслик керак.

Шу нарса равшанки, жаҳонда вужудга келаётган янги реалликлар шароитида биз мудофаа қобилиятимизни таъминлаш масалаларига ҳам янгича баҳо беришимиз даркор. Биз ҳарбий харажатларни анча қисқартириш, миллий даромаднинг қуролланиш эҳтиёжларига сарфланадиган қисмини камайтириш йўлидан бордик. Биз ана шу мақсадлар учун харажатларни қисқартира бориб, армияни сифат жиҳатидан қайта қуроллантиришга асосий эътиборни қаратамиз ва шу тариқа мудофаа қобилиятимизнинг умумий даражаси занфлашувига асло йўл қўймаймиз. Яна шуни айтишни истардимки, мудофаа манфаатларимизнинг илгари сир тутилган соҳаси тобора ошкора ва назорат қилинадиган соҳага айланмоқда. Бу эса мана шу соҳада ҳам ҳамма нарса халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилишининг гаровидир. Зеро, Советлар мамлакати Қуролли Кучларини тузиш тўғрисидаги ленинча фикр ҳам ана шундай бўлган эди.

Қуролли Кучларимизда ҳам мураккаб, кўпинча эса ўткир қайта қуриш жараёнлари кечди, албатта. Аммо бугунги кунда барча соҳаларда қайта қуриш амалга оширилмоқда. Экономикада ҳам, илм-фанда ҳам, партиянинг ўзида ҳам қайта қуриш жараёнлари бормоқда. Буларнинг ҳаммаси, мен илгари бир неча бор айтиб ўтганимдек, у ёки бу тарзда одамларга, уларнинг реал, одатдаги манфаатларига дахл қилмоқда. Биз барча қийинчиликларни бартараф этиб ва янгилана бориб, олға томон бораверишимиз лозим. Бу борада ҳам ирода ва қатъият кўрсатиш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, оқим йўлидан бормаслик зарур. Вазиятни ўзгартириш, уни бошқариш, такрор айтаманки, барча даражаларда — марказдан тортиб меҳнат коллективигача амалий масалаларни ҳал этиш даркор.

Учрашувда Советларга ўтказиладиган сайлов тўғрисидаги масала ҳам ўртага қўйилди. Бу катта ишдир ва партия ишчилар синфи аввалги сайлов кампанияси чоғида мураккаб вазиятга тушиб қолганлиги сингари сайлов натижалари учун ҳам масъулиятли эканлиги ҳақида тўғри танқидий фикр айтилди. Бу танқидий мулоҳазани тўғри тушуниб, айни пайтда ишчилар синфи ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, рўй берган барча воқеалардан ўзи учун яхши сабоқ чиқаради, деган умиддаман. Ишчилар синфи билан партия биргаликда иш олиб бориши керак ва шундай қиладилар. Ишчилар синфига хос барча яхши фазилатлар, ҳозирнинг ўзидаёқ ғоят равшанлашган, ғоят фаол жиҳатлар Советларга ўтиши лозим. Советларга ишчилар синфининг, деҳқонларнинг ва ўз-ўзидан равшанки, зиёлиларнинг энг нуфузли, энг фаол вакиллари киришлари даркор. Мана шугина Советларнинг ҳаётийлигига кафолат бўлиши мумкин. Биз мана шунга амал қиламиз.

Суҳбат охирида сизлар айтган фикрни яна бир бор қўллаб-қувватламоқчиман. Келинглар, бирликни кучайтириб, ҳамма нарсада тартибни йўлга қўяйлик, интизомни ҳамда ишлар ва хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни оширайлик. Келинглар, халқ орасига, сиёсий мунозараларга дадилроқ кириб борайлик ва ишонч билан ҳаракат қилайлик. Биз тўғри йўлдан боряпмиз. Бу эса энг муҳимидир. Бу ерда ўртага қўйилган ва ҳаммамизни ташвишлантираётган конкрет масалалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз энг қисқа вақт ичида бу масалаларни партия ва халқнинг биргаликдаги куч-ғайрати билан ҳал этишимиз даркор.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН КУРАШДА УЮШҚОҚЛИК ВА ТАРТИБ КЎПРОҚ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

Яшил деворлар энди бўлмайди. Партия фаоллари йиғилишида ҳеч қандай ҳашамдорлик бўлмайди, деб қарор қилдик. Қандай бўлса, шундай бўлади.

М. С. Горбачев. Сут заводи маҳсулот бера бошладими?

Н. А. Павлов. Ишлаяпти, бу йил ремонт қилинди. Мажбурият олишимиз биланоқ уни ремонт қилдик. Энди ишлаяпти.

М. С. Горбачев. Вагончалар ҳали ҳам борми?

Н. А. Павлов. Деворлар тўсиб қўйилган жойнинг ўзгинасида ҳозир кичик массив қад кўтарган. Келсангиз таний олмайсиз. Аммо дарҳол муаммолар ҳақида айтиб қўяй. Бизда қурилиш саноати бор, уйсозлик комбинати заводи ёмон эмас. Лекин цемент етказиб беришда узилишлар вужудга келмоқда. Уй-жой масаласи муаммо бўлиб турибди, программа бузилиши мумкин.

Яна бир гап — Россия учун ташвишланяпмиз. Сиёсий бюро аъзоларидан кимдир шу мавзу хусусида телевидение орқали сўзга чиқишини истардик.

Ереван темир йўли ҳузуридаги почтамт оператори **Г. А. Авакян** сўз олади. Мен аввалбошданоқ бу ерда телевидение ва матбуот ҳақида гапирган кишиларнинг фикрига қўшилишни истардим, деди у. Улар ҳаддан ташқари кўп ёмон нарсаларни кўрсатишяпти. Гўё бизда яхши нарсалар йўқдек. Бу ерда бизда иш ташлашлар бўлганини, бунинг оқибатида бошқалар ишлай олишмаганини айтишди. Мен иш ташлашларга қаршиман. Мен ишлаган корхонада бирор марта ҳам иш ташлашмади, яхши ишлашди. Бошқа томондан эса иш ташловчиларни тушуниш мумкин. Бизда иш ташлашлар Сумгаитдан кейин бўлган эди.

Мен айтишни истаган иккинчи масала, бу қамал ҳақидадир. Ўйлайманки, биз Улуғ Ватан урушидан сўнг бу сўзни унутишимиз керак эди. Лекин ҳозир бизда нималар бўляпти? Мана қанча вақтдан буён биз ана шундай аҳволдамиз! Биз, айниқса қочоқлар, ҳозир шундай оғир аҳволдамизки, буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Уйлар йўқ, қиш эса яқин. Бизга келишган қурувчилар ишсиз туриб қолишмоқда. Вазият жуда оғир.

«Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **В. А. Петровга** (Харьков шаҳри) сўз берилади. Бизнинг корхонамиз мудофаа аҳамиятига эга, деди у, кўпгина ишчиларимиз мендан қуйидаги масалани ўртага қўйишимни сўрашди: маҳсулот ишлаб чиқариш бизда тахминан 10 баравар қисқарганига яқинда бир йил бўлади. Бизга бунинг ўрнига қандайдир иш беришлари керакку! Энг асосий гап шундаки, яхши кадрларимиз кетиб қолишмоқда. Ёшлар кооперативларга ўтиб кетмоқда. Бизда бир неча минг ишчи, омилкор инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш майдонлари бор. Михаил Сергеевич, сиз енгил саноат учун машина-ускуналар керак, деяпсиз. Бизда ҳамма нарса — мутахассислар ҳам, ускуналар ҳам бор, нима учун заводимизга ана шу буюртмаларни бериш мумкин эмас?

Иккинчи масала — идеологиядир. Областимизда, Харьковда норасмий бирлашмалар ҳар куни митинг уюштиришади, ҳар куни область партия комитетини танқид қилишади. Лекин уларга муносиб жавоб берилмаяпти. Митингларда ҳатто халқ депутатлари ҳам қатнашишмоқда. Кези келганда шуни айтай, биз сайлаган халқ депутатларининг барчаси сайловчиларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларига зўр ғамхўрлик кўрсатишади, деб кутган эдик. Аммо ҳозирча уларнинг айримлари унчалик ёрдам беришмаяпти.

Бизга, Марказий Комитет аъзоларига, кўпинча ёшлар ташкилотларида, ўқув юртларида сўзлашимизга тўғри келади. Кўпгина кишилар: ёшларнинг идеаллари йўқ, дейишмоқда. Бу эса мени ташвишлантирмоқда, юрагимни ачиштирмоқда. Биз партиямиз билан биргаликда комсомолни мустаҳкамлашимиз керак, деб ҳисоблайман.

Ленинграддаги «Позитрон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг микросхемалар йиғувчиси **Т. А. Снеткова** сўз олади. Мен цех партия ташкилотининг секретариман, деди у. Биз партиянинг, бошланғич партия ташкилотларининг роли ва обрўсини ошириш кераклиги тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин қандай қилиб? Бизга: ўз коллективларингизда ишланг, дейишади. Лекин қандай ишлаш керак? Пленумдан кейин борганимизда бизга кўплаб савол беришади. Баъзан жавоб бериш қийин бўлади, лекин биз нима яхшию нима ёмон бўлганини, масалалар қандай ҳал этилаётганини, нималар эса ҳал бўлмаётганини сўзлаб беришга ҳаракат қиламиз.

Биласизми, одамлар бизга ишонишади. Суҳбатлашдигу, гўё Пленумга боргандек бўлдик, дейишади. Лекин бу ерда бошқа масала қўйилмоқда: цехда ҳисобот беришимиз, бирлашмада, районда, шаҳарда ҳисобот беришимиз керак. Бунга қанчадан-қанча вақт кетади? Биз эса ишчимизку, биз ишлашимиз керак. Шундай қилиб мен ярим кун ишламайман, кейин эса кечқурун қолган ишимни бажаришимга тўғри келади. Менинг бригадам кечқурун ишлайди, бригада аъзолари планни бажаришади, пулни ишлаб топишади, мен эса илгари қилолмай қолган ишимни бажараман. Тўғри: ўз ишимни ўзим бажаришим керак, лекин менинг ҳам оилам борку. Нима қилиш керак?

Бирлашмамиз партия ташкилоти Марказий ревизия комиссиясига қуйидаги таклиф билан чиққан эди: келинг, ҳеч бўлмаса бизнинг бирлашмамизда, бошқа бирлашмада, районда, областда шундай эксперимент ўтказиб кўрайлик. Партия взносларининг 50 фоизини область комитетига ёки район комитетига қолдирайлик, улар эса ўзлари бу пулларни қандай сарфлашни ўз жойларида ҳал этсинлар.

Пленумда республикаларга, республикаларнинг коммунистик партияларига, область комитетларига кўпроқ мустақиллик берилиши керак, дейишди. Ўйлайманки, айнан шу ўша реал ишлардан бири бўлади. Биз партия аппарати, партком секретари, партком секретарининг ўринбосарига маош тўлаймиз. Ҳатто область партия комитетининг секретарига ҳам маош тўлай олишимиз мумкинлигини ҳисоблаб чиқдик. Айниқса биз раҳбарларимиз билан қуйи партия ташкилотлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида гапиряпмиз.

Бизда ҳозир совет ёки партия органларида ишлаш учун ҳамма ҳам боравермайди. Мен кўп яхши кишиларни биламан, лекин уларга: «Нима учун сен у ерга бормайсан?» десангиз, — бунга жавобан: «Бу менга нимага керак, у ерда мен нохушликлардан, бетобликдан бошқа ҳеч нарсани орттирмайман, бу ерда эски жойимда эса озми-кўпми хотиржамроқ ишлайман», дейишади. Шуниси ачинарлики, партия ёки совет органларида ишлашга яхши одамлар камдан-кам боришмоқда.

Яхши раҳбар бўлиш учун у камида уч-беш йил ишлаши кераклигини тушунамиз. Партком секретарлари ҳам, совет раҳбарлари ҳам камида 10 йил ишласинлар, деган масала ўртага қўйилаётгани тасодифий эмас. Бизда эса цех бошлиғини партком секретари ўринбосари бўлишга кўндиришди, натижада унинг маоши икки баравар қисқарди. Ўйлайманки, уч йил чидайдию, бундан кўпроқ ишлай олмаса керак.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Биз партия обрўсини, Марказий Комитет ҳар бир аъзосининг, ҳар бир коммунистнинг обрўсини кўтариш керак деяпмиз. Биласизми, бизда ҳар ҳолда партияда ҳам адолатсизлик бор. Кўпчилик бизнинг ўз санаторийларимиз, касалхоналаримиз, дам олиш уйларимиз бор, деб бизга таъна қилишади. Ҳозирги кунда буни тегишли изга солиш учун кўп ишлар қилинди. Лекин барибир менга, масалан, алам қилади: 9 йил партия ташкилотининг секретари, 5 йил район партия комитети бюросининг аъзоси бўлиб ишлаганман, кўп меҳнат қилишга тўғри келган. Лекин биласизми, ҳеч ким ақалли бирор марта ҳам мен ҳақимда қайғуриб «сен бошқа ишлардан озод қилинмаган партия ходими бўлсангда, сенга ҳам дам олишга бориб келиш учун йўлланма берсак қандай бўларкин?» демаган. Биз барча партия фаолларига ана шундай муассасаларнинг эшикларини очиб қўйишимиз керак. Бу эса фақат фойда келтиради.

М. С. Горбачев. Сиз бу мавзуни жуда тўғри кўтардингиз, уни яхшилаб ишлаб чиқишимиз керак.

Ригадаги «Радиотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба заводининг созловчиси **А. М. Максимкина** минбарга чиқади. Болтиқбўйидаги воқеалар, деди у, ҳаммани ташвишлантирмоқда. Бу ҳозирги кундаги энг ўткир масала бўлса керак. Марказий Комитетнинг Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол ҳақидаги баёноти бирдай тушунилди, деб бўлмайди. Биз буни истаймизми, истамаймизми, партияда миллатига кўра парокандалик бўлиш учун бизда реал таҳдид бор. Шундай таҳдид бор. Қаранглар, бизда қачадан-қанча расмий, норасмий ижтимоий-сиёсий ташкилотлар бор, уларнинг бошида эса коммунистлар туришибди. Ана шундай ташкилотнинг ҳар бирида партия Программаси ва Уставидан фарқ қилувчи ўз программаси ва устави бор. Мен шундай ўйлайман: агар бу коммунистлар жамоат ташкилотига киришган бўлса, улар бу ташкилотларда партия йўлини ўтказишлари керак. Амалда эса бунинг мутлақо акси бўлмоқда. Халқ фронти думасига, масалан, коммунистлар бошчилик қилиб, худди ана шулар иттифоқ таркибидан чиқишга даъват этишмоқда. Буни тушуниш қийин.

Бизда маънавий жабр-зулм йўқ дейишади. Йўқ эмас, бор. Партиявий коллектив зарур. Ҳа, биз, Марказий Комитет аъзолари, Ревизия комиссияси аъзолари коллектив бўлиб жамланишимиз керак. Лекин муҳолифларимиз билан баҳслаша бошласак, кўпинча, бизни қўллаб - қувватлашмаётганини сезамиз. Нега шундай? Айнан шунинг учунки, партия комитетларида ҳатто партия комитетларининг секретарлари ҳам бир хил йўл тутишмайди. Кўпинча айёрлик қилинмоқда. Шунинг учун ҳам аксарият эсанкираб ва ҳатто чўчиб қолди. Биз, коммунистлар эса бирдам бўлиб, партия позициясини биргаликда ҳимоя қилишимиз керак-ку, ахир.

Иркутск область Коршуново кон-бойитиш комбинати экскаватор машинисти **А. П. Мясников**га сўз берилади. Биз қайта қуришни ғоят руҳланиб кутиб олдик, деди у. Демократия ва ошкоралик қандай илдамлаб кетганини эслайман. Лекин, аста-секин улар бошбошдоқлик ва жазосиз қолишга айлана бошлади. Ҳатто Марказий Комитетнинг қарорини ҳам буза бошладилар.

Ҳозир биз кооперативлар тўғрисида гапиряпмиз. Яқинда савдо министрининг ўринбосари С. Д. Алёшин комбинатимизда бўлди. Мен унга кооперация катта фойда бераётганлигини айтдим. Аммо ҳозир комбинаторлар-найрангбозлар ҳам кооператор ниқоби билан яширинишмоқда. Қандай кунларга қолдик? Қанднинг килограммини бир ярим сўмдан сотишяпти. Қоплаб сотишяпти. Сабзавотни икки-уч баравар қиммат пуллашяпти. Ҳеч қандай чора кўра олмайсан, сотувчининг қўлида кооператор деган ҳужжат бор. Нима, бу маҳсулотларни ўша кооператор етиштиряптими? Худо ҳайрингизни берсин, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштираётган ва саноат молларини ишлаб чиқараётганлар шу маҳсулотлар қанча турса, ана шу нархда сотаверишсин. Чунки улар ўз меҳнатларини қўшишган. Меҳнат аҳли ҳисобига баъзи бировлар ўз чўнтакларини қаппайтиришларига йўл қўйиб бериш мумкин эмас.

Шахтёрлар иш ташлаётганини эшитиш мен учун жуда ғалати туюлди. Нима учун меҳнат аҳли иш ташламоқда, — деган савол ўз-ўзидан туғилади. Чамаси, қурилиш, медицина хизмати, Озиқ-овқат программаси ва бошқа бир қанча ижтимоий масалалар уларни ночор аҳволга солиб қўйганга ўхшайди. Назаримда, аҳвол ана шундайлигини марказий органларда ҳам эҳтимол аниқ билишмагандир. Область партия комитетларининг секретарлари ҳам марказдан ҳақиқий аҳволни яширмасликлари керак, деб ўйлайман. Агар юз тонна дон етиштирган бўлсак, юз тонна дон етиштирдик, деб айтишимиз лозим. Бошқа статистиканинг кераги йўқ. Иш ташлаш тўғрисида ҳам шундай қилиш, ҳар бир иш ташлаш бизга зарар келтиришини, миллион-миллион сўмлаб умумий зарар келтиришини одамларга тушунтириш лозим, деб ҳисоблайман. Аҳвол шу тариқа давом этаверса, ўртоқлар, бутун мамлакатни хароб қиламиз. Ҳамма нарсани олиб, иш ташловчиларга берадиган алоҳида қопимиз йўқ. Шахтёрга берадиган бўлсак, бинобарин металлургнинг ризқини қисамиз. Ёки шундай эмасми? Ҳақиқатан ҳам оғир, муаммолар кўп, лекин ишлаш керак. Ишлаш, моддий бойликларни яратиш керак.

Марказий органларимизнинг қарорларини бузиб кўрсатиш тўғрисида ҳам гапирмоқчиман. Хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш — буларнинг ҳаммаси зарур нарса. Аммо бир назар ташланг: арзон моллар йўқ бўлиб кетяпти. Бу нимаси, ахир? Ҳозир рулни бошқариб турган кишилар, яъни завод директори ўз корхонасида ишлаб чиқарилаётган кукун ёки тиш ювиш пастаси ёхуд бошқа маҳсулот давлат учун зарурлигини жуда яхши билади. Лекин, ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш унчалик фойдали эмас. Шу сабабли у қимматроқ маҳсулотни ишлаб чиқара бошлайди, бунга эса панжа орасидан қарайдилар. Мен бундай ҳолларда ана шундай вазиятни вужудга келтиришда айбдор бўлганларнинг ҳаммасига нисбатан аниқ чоралар кўриш лозим, деб ҳисоблайман. Бу ҳам халқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш бўлади.

Пировардида учрашув қатнашчилари ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИККА ДАЪВАТ

Ниҳоят, мамлакат тарзи ва муҳитини ларзага солиб келаётган, баъзи жойларда инқилобий қайта қуриш тўлқинини ўзга ўзанларга буриб юбораётган, умуминқилобий ишга халақит бераётган можароларга якун ясаш масаласи кун тартибига қўйилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисидаги долзарб масалани, ниҳоятда мураккаб ва муҳим масалани ўзининг жиддий муҳокамасига қўйди. Бугун бу муаммо ҳақиқатан ҳам кечиктириб бўлмас бир масалага айланиб қолган эди. Бу миллий сиёсатимиз масаласи, миллатлараро муносабатларимиз, байналмилал ва миллийликнинг нисбийлиги тушунчалари масаласи, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари сингари асосий масалалар, иқтисодий ва ижтимоий масалалар, республикалар, халқлар эркинлиги ва қонуний ҳуқуқлари масалалари, ниҳоят, халқлар тилларининг ўз давлатлари тиллари эканлигини эътироф этиш масаласидир.

Михаил Сергеевич Горбачев бу масалаларни кенг таҳлил қилди, Марказий Комитетнинг чуқур мулоҳазасини ва кескин фикрини баён этди. Бу фикрлар қайта қуриш ва ошкоралик инқилобий юришда халқларнинг кенг ва катта муҳокамаларида етилган масалалар бўлганидан Пленум муҳокама ва мунозараларида ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. Пленум, хусусан Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Арманистон ва Озарбайжон жумҳуриятларининг, Молдавия ва бир неча бошқа жумҳуриятлардаги «можаролар»ни қаттиқ қоралади. Партия бу масалада ленинча миллий сиёсатдан четга чиқмайди, деди.

Бу кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига, бу «можаролар»нинг пайдо бўлишига, албатта, етмиш йил мобайнида юритилган нотўғри сиёсат, шахсга сиғиниш, турғунлик каби даврларнинг касофати сабаб бўлди. Лекин Ленин миллий сиёсати сабаб туғилган ва шаклланган миллатлар дўстлиги, қардошлиги, бирлиги ҳамма оғирликларни енгиб ўтди, бу шаклланган дўстлик мамлакати бугун катта кучга эга, катта ва туганмас бойликка эга. У ҳозирги кунда берилаётган енгилликлар ва эркинликлар билан жуда кўп оғирликларни енга олади. Бунинг учун бирдамлик керак, юз бераётган оғирликларга қарши курашда бирлик керак, Коммунистик партия сиёсатига ҳалол ва садоқат билан жавоб лозим.

Пленум миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳақидаги фикрлар жумҳуриятлар ҳуқуқларини тағин ҳам кенгайтиришини, ўтмишда йўл қўйилган хатолар ва бузилишларни қатъий бартараф этишини таъкидламоқда. Бу иттифоқдош республикаларнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини оширишга тағин ҳам кенглик беради. Пленум иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, оилавий ришталар билан чамбарчас боғланиб кетган жамиятимизни бўлиб ташлашга қаратилган баъзи қарашларни қаттиқ қоралади, уларнинг бошлиқларини сафсатабозлар деб таъбирлади. Улар бир вақтлар Москва билан Петербург орасидаги подшо темир йўлини бузиб ташлаш керак, деган шиорга ўхшаш «инқилобий» шиорлар ташламоқдалар. Ўзимизда ҳам бир вақтлар хон-амирлар яшаган Бухоро билан Самарқанд, Хива билан Қўқон осори атиқаларини бузиб ташлаш керак, Навоий билан Бобур сингари сарой шоирлари керак эмас, «Шашмақом»и нимаси» деган «валломат»лар чиқишган эди. Бугунги баъзи шиор ташлаётганлар худди ана шу давр валломатларини эслатмоқдалар. Бундай «чиқишлар»нинг, кўп кунлик митингларнинг, қизиқ намойишларнинг, иш ташлашларнинг касофатлари ўзларининг ишларига урмадимикин?

Бу вақтлар, албатта, биз зиёлилар ҳам бўшлик қилдик, халқнинг ўз мулкига, ўз бойлигига нисбатан баъзи бефарқлигига ўз эътиборларини қаратишга яхши киришмадик. Булар натижада яхшиликка олиб келмади. Ҳеч муболағасиз айта оламизким, даврнинг энг қудратли, бағоят бой, маданияти буюк давлатлардан бирининг гражданимиз. Буни тан олмай бўлмайди. Модомики шундай экан, ўз тузимимизга ҳалол, садоқат билан муносабатда бўлмоқ керак. Наҳотки, ора-чира фавқулодда кўрнамаклик, авомлик, лақмалик, мунофиқликларнинг таъсир кучи бу садоқат билан ҳалолликка раҳна сола олса?!

Партиямиз Пленуми тилимизнинг тақдирига ҳам катта эътибор билан қулоқ солди ва муҳокама қилди. Дарҳақиқат, шунча йил эътибор берилмаган тилимиз эътибор топди, бир неча жумҳуриятларда она тили Давлат тили ҳуқуқини олди. Бошқа халқлар тиллари ҳам шундай ҳуқуққа эга бўладилар. Аммо жумҳуриятимизда биз билан бақамти яшаб турган, ҳатто Ўзбекистон ўз она ери бўлиб қолган юрт халқлари тиллари нима бўлади? Тилимиз Давлат тили аталганидан сўнг улар билан қайси тилда сўзлашамиз? Юздан ортиқ тил бор мамлакатимизда. Ҳаммасини ўрганишимиз керакми? Ёки улар бизнинг тилимизни ўрганишлари шартми? Лекин биз, мана етмиш йилдирки, бир катта оилада яшаймизку. Улар билан қайси тилда сўзлашамиз? Инглиз тилини билмасак, немис ё француз тилини билмасакки, у тиллар орқали алоқа қилсак. Ахир, бу мушкулликни енгиллатган рус тили биз билан-ку. Нега уни халқаро муносабатлар тили деб қабул қилолмаймиз? Жуда кўп мақолалар ва радио, телечиқишларни таҳлил қилиб, шундай фикрга келдимки, ҳар нечук бир тил муносабатлар тили бўлиши керак.

Пленум маърузаси ва мунозараларини ўқиб ниҳоятда мамнун бўлдим. Партиямизнинг бугунги шароитдаги миллий сиёсати Ленин миллий сиёсатининг давомидир.

Туроб ТЎЛА

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

25 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтида Менделеев даврий жадвалидаги энг оғир элементлардан бири — актинидлар химияси ва технологияси соҳасида халқаро конференция очилди. Унда уч юздан ортиқ олим ва мутахассис қатнашмоқда.

— «Актинидлар-89» конференциясининг асосий мақсади шу йўналишдаги кўп йиллик тадқиқотларга якун ясаш ва бир қанча мамлакатларда йиғилиб қолган тажрибани алмашишдан иборат, — деди совет делегацияси раҳбари, академик А. С. Никифоров. — Актинидларнинг, айниқса, уран ва плутонийнинг фан, техника ва халқ хўжалигидаги аҳамияти муттасил ортиб бормоқда.

Конференция Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти негизида ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА МИТИНГ

Ўтган якшанба куни олий ўқув юртлари шаҳарчасида рухсат берилган митинг бўлди. Унда олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар қатнашдилар.

Митинг қатнашчилари бутун республикада муҳокама этилаётган Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасига ўз муносабатларини билдирдилар. Улар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш зарурлигини айтдилар. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа бир қанча масалалари ҳам ўртага қўйилди.

(ЎзТАГ).

● *Узоқ ва яқин ўтмиш*

МИХАИЛ ВЕРБОВ ТОШКЕНТДА

Ҳорижадаги ватандошлар билан маданий алоқалар Ўзбекистон «Ватан» жамиятининг таклифига мувофиқ Михаил Александрович Вербов бир неча кун Тошкентда меҳмон бўлди. У 1922 йилда Владимир Ильич Ленин ёнида туриб, доҳийнинг суратини чизган эди.

Рус мусаввири Михаил Александрович Вербов буюк замондошларидан бир қанчасининг портретларини яратишга муваффақ бўлган. Улар орасида Ф. Э. Дзержинский Н. А. Семашко, И. А. Бунин, Ф. И. Шаляпин, К. С. Станиславский, Л. В. Собинов, Е. Н. Гоголеваларнинг суратлари бор.

М. Вербов Украинада туғилди. Рассомнинг ёшлик йиллари Тошкентда ўтди. Шу ерда расм чиза бошлади.

Кейинчалик у Петербург бадиий академиясига ўқишга жўнаб кетди. Илья Ефимович Репин унга устозлик қилди. Шу сабабли М. Вербов рус реалистик санъати анъаналарини бутун умри бўйи ардоқлаб келмоқда.

Михаил Александрович 1918 йилдан 1921 йилгача Тошкент санъат музейининг биринчи директори бўлди. 1924 йилда таҳсил олгани Парижга жўнаб кетди. Шундан кейин унинг тақдири мураккаб бўлди. Қисмат уни Нью-Йоркка олиб кетди. Рассом ҳозир ҳам шу ерда яшаб истиқомат қилаётир. Михаил Александрович 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида бутун Америка профессионал рассомлар лигасининг вице президенти бўлиб ишлади.

Мусаввир неча ўн йиллардан бери ватанидан олисда яшаётганига қарамай, барибир у ўзини Россиянинг фарзанди деб ҳисоблайди. Энг машаққатли йилларда ҳам бирон марта ватани шанига доғ туширмади, бўҳтон ёғдирмади. Улуғ Ватан уруши йилларида иттифоқчи қўшинларининг солдатлари ва матрослари даволанаётган госпиталга бориб расмлар чизди ҳамда юзта портретни уларга ҳадя этди.

М. Вербов биринчи марта ватанига 1974 йилда келганида В. И. Ленин портретини чизиб, Ўзбекистон Давлат санъат музейига тақдим этган эди.

Михаил Александрович Вербов ҳозир 93 ёшда. Шунга қарамай у тетик, бардам, ақл-заковатга тўла, жуда кўп ишлайди. Ижодий режалари кўп.

Бир пайтлар мана бу суратда тасвирланган кошонада Тошкент санъат музейи очилган бўлиб, унга Михаил Александрович директорлик қилган. Шу кунларда мазкур бинода қадимий буюмлар ва Ўзбекистон заргарлик санъати музейи жойлашган. Михаил Александрович шу музейнинг бош экскурсоводи Шоҳида Қобилова билан ўз таассуротларини ўртоқлашмоқда

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).

ЭРТАНИНГ ТАШВИШИДА

Тошкентда бошқарув муаммоларига бағишланган XI Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини бошлади. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларидан ташриф буюрган етук олимлар ва мутахассислар беш кун мобайнида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини муҳокама қиладилар, тажриба алмашадилар, кучларни мувофиқлаштириш бўйича бўлажак ишларни режалаштирадилар. Мухбиримиз кенгаш ташкилий комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Тошкент алоқа электротехника институти ректори Ж. АБДУЛЛАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Жўра Абдуллаевич, кенгашга йўлланган айрим докладларнинг мазмуни билан танишдим, унча катта бўлмаган ҳажмдаги докладлардан ҳам бўлажак анжуман мавзуси кенглиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Уларда ахборотлаштириш муаммолари ҳам, қайта қуриш механизмини ижтимоий-иқтисодий моделлаштириш ҳам, генетиканинг молекуляр масалалари ҳам ўрин олган. Ҳатто «Бошқариш назариясига кўра қон босими хасталиги» доклади ҳам бор. Бу ҳам бошқарув фанига дахлдор бўлса керак-да?

— Инсон дунёга келиб, ўз-ўзини таний бошлар экан, ўзини беихтиёр ҳаракат ва имо-ишоралар билан бошқаради. Биологик системадаги ҳар бир жараённи организм ичдан бошқариб туради. Мисол учун, ҳар бир одамнинг овқат ҳазм қилиши ҳам бошқарувга боғлиқ.

Инсоният тараққиёт жараёнида айрим-айрим жамоа тузилмаларидан давлат бўлиб юзага келди. Бу ҳокимиятни тебратишнинг мураккаброқ бошқарув системасини тақозо этди.

Ижтимоий ҳаёт аввал қўл кучи билан, бир неча юз йиллар ўтгач эса электрон ҳисоблаш машиналари, роботлар, компьютерлар ёрдамида бошқариладиган бўлди.

Демоқчиманки, ишлаб чиқариш, механика ва технология системаларини бошқариш ҳақидаги фан жамиятда узоқ йиллар мустақил ривожланиб келди. Америка олими Н. Винер жонли ва жонсиз системаларни бошқаришга оид асосий принципларнинг умумийлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Шундай қилиб, кибернетика пайдо бўлди.

— 50-йиллар ўрталаригача мамлакатимизда генетикага ўгай кўз билан қарашган эдилар...

— Афсуски, шундай ҳодиса юз берганди. Бу уни СССРда ривожлантиришга тўсқинлик қилди.

— Мана шу йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борган олим ҳам борми?

— Бўлмасам-чи? Биринчи галда академиклардан В. С. Кулебакин, Б. Н. Петров ўз фаолиятларида математик, иқтисодчи, ҳатто файласуф, биолог иқтидорини бирлаштиришга эришдилар. Украина ССР Фанлар академияси Кибернетика институти директори, СССР Фанлар академияси академиги В. М. Глушков номини ҳам қайд этмоқчиман. Республикамизда эса кибернетика соҳасида ва унга боғлиқ фанлар билан бир неча йилдан буён В. Қ. Қобулов самарали ишламоқда. Унинг раҳбарлигида ташкил этилган мактабда олимлар бир неча йўналишларни муваффақиятли ривожлантирмоқдалар.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

— Ўзбекистонда бошқарув ҳақидаги фан қандай қилиб шаклланган?

— Бу фаннинг юзага келишида СССР Фанлар академиясининг Математика, УССР Фанлар академиясининг Кибернетика институтлари, мамлакатимиз Фанлар академияси Сибирь бўлими таниқли олимларининг ҳиссаси беқиёс. Республикамизда бошқарув ҳақидаги фаннинг тараққий этишига СССР Фанлар академиясининг Бошқарув муаммолари институти ҳам катта ёрдам берди. М. З. Хомудхонов республикамизда бошқарув назарияси бўйича биринчи бўлиб докторлик ишини ҳимоя қилди. У диссертацияни Москвада ёқлади. Мен ва фан докторлари Э. П. Файзиев ва З. М. Солиҳов ҳам мана шу институтда тарбияланганмиз. Институт илм аҳли республикамизнинг Б. А. Зоҳидов, Ш. Р. Раҳимов, А. А. Қодиров сингари таниқли олимларимизнинг докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишларида ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Ўзбекистонда бошқарув ҳақидаги фаннинг ташкил топиши ва ривожланиши мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг ҳамкорлиги мевасидир дея ишонч билан айтиш мумкин.

— Мамлакатимизда академик В. А. Трапезников бошчилик қилаётган Автоматик бошқарув бўйича миллий комитет тузилган. Комитет фаолияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳақиқатан шундай. Комитет кўпгина мамлакатлар олимлари изланишларини мувофиқлаштириш мақсадида 50-йиллар охирида тузилган Автоматик бошқарув бўйича халқаро федерацияга аъзо. СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. М. Летов федерациянинг биринчи президенти эди. Автоматик бошқарув бўйича халқаро федерация конгресслари ҳар уч йилда ўтказилади. Федерацияга кирган мамлакатда конгрессни чақиришдан бир йил олдин миллий кенгаш бўлиб ўтади. Ана шундай кенгашлардан бири Тошкентда ўтказилмоқда. Унда кейинги уч йилги тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинишидан ташқари келгуси йилнинг сентябрида Таллинда уюштириладиган Автоматик бошқарув бўйича халқаро федерациянинг навбатдаги конгрессида қилинадиган докладлар ҳам сараланади.

— Республикамиз олимларининг ишлари ҳам ана шу докладлар орасида бўлса, ажаб эмас.

— Тадқиқотларимиз натижалари халқ хўжалигининг кўпгина соҳасида қўлланилаётганлигини айтиб ўтмоқчиман. Шу ўринда айрим мисолларни қайд этай. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Ҳ. Ф. Фозилов раҳбарлигида бажарилган энергетика системалари тартибини бошқарувни такомиллаштириш бўйича иш натижалари кенг қўлланилмоқда. Республика Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларининг ишланмалари бошқарувнинг автоматлаштирилган системасини яратиш соҳасида тан олинганлиги ҳам маълум.

Институтимиз олимлари коллективи Москва, Ленинград ва «Средазгипроводхлопок» институти мутахассислари билан ҳамкорликда бир неча муаммолар устида қизғин иш олиб бормоқда.

БОШҚАРУВ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

25 сентябрь куни Тошкентда бошқарув муаммоларига бағишланган XI Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашда мамлакатимизнинг кўплаб илмий марказларидан 600 га яқин етакчи олим иштирок этмоқда. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, экология системасида ва бошқа бир қанча соҳаларда бошқарувнинг долзарб муаммоларини муҳокама қиладилар. Олимлар бошқарувнинг назарий жиҳатларини, шу мақсадда замонавий электрон техникаси қўлланилишини кўриб чиқадилар.

Кенгаш доирасида «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, шу йўналишда иш олиб бораётган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтлари ва республика олий ўқув юртлари тажрибаси билан танишилади.

Бутуниттифоқ кенгашининг биринчи ялпи мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

(ЎзТАГ).

● *Ўзбекистон қўғирчоқ театрининг 50 йиллигига*

ЭЗГУЛИК ТАШИГАН ЭРТАКЛАР

Болаларнинг она-Ватан, яхшилик ва ёмонлик, жасурлик, мардлик ва номардлик, қолаверса санъат ҳақидаги тушунчалари илк бора қўғирчоқ театри залида пайдо бўлган, десак янглишмаймиз. Буни ота-оналарнинг ўзлари ҳам кўп бор такрорлаганлар. Шу боисдан Ўзбекистон қўғирчоқ театрининг эллик йиллигини миннатдор ота-оналар ҳам, эртаксевар кичкинтойлар ҳам бирдай нишонламоқдалар.

Улуғ Октябрь инқилобидан олдин умуман болалар театри деган тушунча бўлмаган. Лекин асрлар давомида жумҳуриятимиз территориясида анъанавий қўғирчоқбозлар ўйинлари кенг тарқалган. Уларнинг томошаларини катта-ю кичик ҳамма вақт зўр қизиқиш билан кўрган. Худди шу халқ ижоди ҳозирги профессионал қўғирчоқ театрига асос бўлган.

Ўзбекистонда Европа шаклидаги қўғирчоқ театри труппаси 1928 йилда ёш томошабинлар театри қошида тузилган. Труппага ўша даврда халқ ичида кенг танилган қўғирчоқбоз Пўлатжон Дониёров раҳбарлик қилади. Нурхон Эшмуҳамедов, Олим Ҳалимбоев, Муҳаммаджон Солиев, Ҳамидулла Абдуллаевлар у билан ишлаб, труппанинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Труппанинг асосий томошабини Тошкентнинг эски шаҳар қисмида яшовчи болалар бўлган. Ҳали-ҳали эсимда. Кўкча дарвозаси даҳасидаги майдонда Пўлатжон ака бошлиқ санъаткорларнинг чиқишларини бизлар, яъни ўша маҳалла болалари бир неча бор мароқ билан томоша қилганмиз. Артистлар спектакллар кўрсатиб бўлишгач, болалар билан учрашардилар ва уларнинг кўпдан-кўп саволларига эринмай жавоб қайтарардилар.

1939 йил октябрь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ, П. Дониёров труппаси ва пионерлар уйи қошидаги русча «Петрушка» ҳаваскорлик труппаси асосида қўғирчоқ театри ташкил қилинди. Қарорда унинг асосий мақсади болаларни ғоявий-эстетик тарбия қилиш, деб қайд этилган эди. Коллектив ана шу шарафли ва айни вақтда ўта масъулиятли вазифани бажариш учун тинмай изланди. Атоқли санъаткорлар билан ижодий алоқалар йўлга қўйилди. Театрга ёш, умидли артистлар қабул қилинди.

Ёш театр Улуғ Ватан уруши йилларида бошқа санъат коллективлари каби фронт иши учун хизмат қилди. Катталарни ҳам, болаларни ҳам руҳлантириб, уларнинг ғалабага бўлган ишончларини кучайтирди. Госпиталларда даволанаётган ярадорлар бўлмасин, совуққина мактаб заллари ёки дала шийпони бўлмасин, ҳамма ерда театр артистларини орзиқиб кутишар эди. Айниқса, уруш туфайли Ўзбекистонга эвакуация қилинган гўдакларнинг театрга бўлган интилишларини айтмайсизми. Ўша йиллари театр болалар ҳамда катталар учун қирққа яқин катта-кичик спектакль, кўпдан-кўп концерт программалари тайёрлади. Шу асарларнинг баъзилари кейинчалик коллективнинг энг яхши иши сифатида эътироф этилиб, репертуарда узоқ йиллар яшади.

Қўғирчоқ театрининг урушдан кейинги йилларда саҳналаштирган спектакллари орасида «Ойгул ва Бахтиёр» (Ҳ. Олимжон асари асосида), «Качал полвон» (Ш. Саъдулла), «Семурғ» (Зулфия ва С. Сомова), «Сирли чаноқ» (Р. Ботиров) Н. Ҳабибуллаевнинг «Зиёд ботир» асарлари алоҳида аҳамиятлидир. Эзгуликни, ватанпарварликни тараннум этган, разилликни қоралаган бу спектакллар турли фестивалларда ҳам намойиш этилди.

Театр спектаклларига назар ташлайдиган бўлсак, уларда болаларнинг маънавий уйғонишига хизмат қилувчи фактлар — образлар, талқинлар, кўринишлар кўплигига ишонч ҳосил қиламиз. Коллектив халқ орасида машҳур эртакларга ижодий ёндашади. Айни вақтда халқ достонларини ўзига хос репертуар манбаи деб билади. Шу боисдан ҳам театр қисқа вақт ичида профессионал жиҳатдан етук коллектив, деб олқишланди.

Тошкентлик қўғирчоқбоз артистлар жаҳон ва рус адабиётининг машҳур намуналарига ҳам мурожаат қилиб, ўзига хос, мароқли спектакллар яратдилар. Бу ўринда И. Ильф ва Е. Петровнинг «12 стул», И. Штокнинг «Жин бор тегирмон», Б. Гадери ва С. Дарвашнинг «Гўзал Галатея», А. Рибников ва П. Глушконинг «Хиокин Мурьети юлдузининг порлаши ва ўлими» асарларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Театрни мамлакатимиздагина эмас, хорижда ҳам билишади. Тошкентлик қўғирчоқбозлар Болгариянинг Габрово шаҳри театри билан ижодий ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари ўрнатган. Мунтазам равишда ўзаро спектакллар кўрсатилиб турилади. Яқиндагина театр ГФРда ўтказилган Халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашиб келди. Исфандиёр асари асосида саҳналаштирилган «Аваз ботир ва темирчи» спектаклини мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам бирдай илиқ кутиб олди. Энди театрни Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида бўладиган ижодий сафар кутмоқда.

Юбиляр театр муваффақиятлари ҳақида гапирганда, энг аввало, бош режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Ёқубов, бош рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Якудин номларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист марҳум Т. Маҳрамов, актёр ва режиссёр М. Бобожонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Ғуломова, Ш. Комилова, шунингдек, артистлардан Ш. Солиева, Д. Солиев, С. Фадеева, Л. Мазова, Н. Гончарова ва бошқалар ҳам театрнинг ижодий равнақига муносиб ҳисса қўшдилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда аҳолиси йигирма миллиондан ошган, туғилиш бўйича мамлакатимизда олдинги ўринларда бораётган республикамизда қўғирчоқ театрлари кам. Қорақалпоғистон АССРда, кўпгина вилоятларда, жумладан Тошкент вилоятида ана шундай санъат масканининг йўқлиги ёш авлодни эстетик ва ғоявий тарбиялашда ўз таъсирини кўрсатаётгани сир эмас. Тошкент қўғирчоқ театри сўнгги йилларда негадир ўзбек тилида кам спектакль намойиш қиладиган бўлиб қолди. Масалан, 1985 йилда кўрсатган 1081 спектаклнинг атиги 252 таси, 1986 йилда эса 1070 спектаклнинг 24 таси ўзбек тилида ўйналган. 1987-1988 йилларда ҳам шундай тафовут билан фаолият кўрсатилган. Янги йилнинг ўтган олти ойи давомида 412 спектакль кўрсатилиб, шулардан фақат 42 таси ўзбек тилида намойиш қилинган. Демак, юзлаб кичкинтойларимиз қўғирчоқ театри санъати билан яқиндан танишолмаганлар. Ёш томошабинлар театрига ўхшатиб республика қўғирчоқ театри ҳам икки мустақил театрга ажратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўришса ёмон бўлмас эди.

А. ЁҚУБХЎЖАЕВ.

РЕДАКЦИЯДА УЧРАШУВ

Шу кунларда Аргентина Коммунистик партияси фаолларидан бир гуруҳи: Даниель Баум, Эрнесто Нуньес, Луис Ново, Карлос Баес ва Хорхе Пабетолар республикамизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига ташриф буюрдилар. Пойтахт областининг «Ленинский путь» колхозида қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши билан танишдилар.

Кеча аргентиналик меҳмонлар «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида бўлдилар. Аргентиналиклар газетанинг тарихи, бугунги куни ва истиқбол режалари билан таништирилди. Уларга республика журналистларининг қайта қуришдаги иштироки ҳақида, жамиятимизнинг барча жабҳаларида қайта ўзгартиришлар қандай ёритилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берилди. Кўплаб савол-жавоблар бўлди.

Меҳмонларнинг Ўзбекистон сафари программаси хилма-хил. Улар саноат корхоналарига, музейларга борадилар. Ўзбекистон Касаба союзлари республика советида, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетида суҳбатлашадилар. Қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрига сафар қиладилар.

Суратда: редакция меҳмонлари.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ХИБ СЭБИН: «БУХОРО ҲУНАРМАНДЛАРИГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИМ»

Кўҳна Бухоро билан Американинг замонавий Санта-Фе шаҳри шу йилдан бошлаб бирodarлик алоқаларини ўрнатдилар. Уларни минглаб миль масофа ажратиб туради. Лекин мазкур шаҳарлар аҳолиси жамоат ташкилотларининг фаолияти туфайли бундай узоқликни ҳис қилмаяптилар.

Июль ойида Санта-Фе талабалари ва ўқувчиларидан бир группаси кўҳна шаҳарнинг меъморий обидалари, бухороликларнинг турмуш тарзи билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ҳозир эса Санта-Фе биродарлашган шаҳарлар комитетининг президенти рассом Хиб Сэбин бошчилигидаги биродарлашган шаҳардан келган яна бир группа Бухорода меҳмон бўлиб турибди.

— Мен Бухоро ҳунармандларига қойил қолдим, — дейди Хиб Сэбин. — Биз ўзаро фойдали иқтисодий алоқалар ўрнатиш мақсадида халқ ҳунармандлари ясаган турли буюмлар намуналарини олиб кетамиз. Биз етакчи фирмалар раҳбарлари билан музокаралар бошламоқчимиз. Ишончимиз комилки, яқин келажакда ўзаро шартномалар, Бухоро корхоналари билан битимлар тузилади. Санта-Фе шаҳрида Бухоро моллари сотиладиган махсус дўкон очишни ҳам хоҳлаймиз. Шарқнинг ажиб нақшлари туширилган зардўзи кийимлар, дўппилар, сўзаналар, сопол ва мисдан чиройли қилиб ишланган буюмларни американикларнинг кўпчилиги бажонидил сотиб олади. Мен бағри кенг ва сахий кишилар яшаётган ана шу ноёб шаҳар — Бухорони жуда севиб қолдим.

Шу йил охирида Бухоро делегацияси Санта-Фе шаҳрига жавоб ташрифи буюриши мўлжалланмоқда. Американинг бу шаҳрида Бухоро усталари қўли билан яратилган буюмлар кўргазмаси очилиши режалаштирилган.

К. БАҚОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Спорт

КУРАШ:

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

Николаев шаҳрида ўсмирлар ўртасида мамлакат очиқ биринчилиги ўтказилди. Эркин кураш бўйича беллашувларда республикамиздан ўн нафар полвон қатнашди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган ўсмирларимиз мукофотли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Полвонларимиздан 5 нафари ғолиблик супасига кўтарилди. Чунончи, Н. Тарасенко, К. Шулбаев, А. Зуфаров, А. Мансуров, А. Абдураҳимовлар вазнларига кўра ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлдилар.

ФУТБОЛ:

ДАЪВОГАРЛАР

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. 39 очко билан пешқадамлик қилаётган пойтахт спартакчилари «Шахтёр» футболчиларини қабул қилиб (2:0), чемпионатнинг олтин медалига даъвогар эканликларини яна бир бор намойиш этдилар. «Днепр» (35 очко) футболчилари «Черноморец» коллективини ўз майдонларида ютиб (3:1), мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Учинчи ўринда бораётган Киев динамочилари ҳам бўш келишмади. Динамочилар «Жальгирис» устидан 2:1 ҳисобида устун келишди. Киев футболчилари ҳисобида 34 та очко бор. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Ротор» — «Торпедо» (М) — 2:2, «Зенит» — «Металлист» — 2:2, «Помир» — «Динамо» (М) — 1:1, «Динамо» (Мн) — «Локомотив» — 1:1, «Динамо» (Тб) — «Арарат» — 1:1.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
СИРТҚИ БЎЛИМИНИНГ I КУРСИГА
1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ЕР ТУЗИЛИШИ, ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ, СУВ ХЎЖАЛИГИ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Сиртқи факультетга ёшидан қатъи назар таълим йўналиши бўйича ўрта техник маълумотга эга бўлган ёки тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган СССР гражданлари қабул қилинадилар.

Корхоналар, совхозлар, колхозлар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаётган ишига мос ихтисослик бўйича ўқишга юборилган ва ягона шаклдаги йўлланма тавсия этган кишилар ўқишга киришда имтиёзга эга бўладилар. Жорий йилда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар конкурсда ихтисослиги бўйича зарур иш стажига эга бўлган шахслар билан баравар қатнашадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: математика (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) дан ўтказилади. Ўрта ўқув юртида рус тилини миллий мактаб программаси ҳажмида ўрганганлар иншо ўрнига рус тилида диктант ёзишади.

Ўрта мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаганлар, шунингдек, 1988 йилда ўрта махсус ўқув юртини ва ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ва танлаган ихтисослиги бўйича камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар кириш имтиҳонлари пайтида фақат математика фанидан ёзма иш топширадилар. Агар улар бу имтиҳонни «аъло» баҳога топширишган тақдирда бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар.

Ўрта маълумот базасида ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб, эгаллаган ихтисослиги бўйича ва тақсимотга кўра белгиланган муддатни ишлаб берган шахслар кириш имтиҳонлари ўрнига суҳбатдан ўтадилар.

Аризалар 1989 йил 15 ноябрдан 30 декабргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1990 йил 3 январдан 18 январга қадар ўтказилади.

Танлаган ихтисослигини кўрсатиб институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: иш жойидан партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхона раҳбарлари ва колхозларнинг правлениелари томонидан бериладиган рекомендация-характеристика, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасининг корхона, колхоз раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси, медицина справкаси (086/У форма).

Институт адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, институтнинг сиртқи факультети. Телефонлар: 33-09-74.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА
ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: врачлар малакасини ошириш факультетида акушерлик-гинекология, врачлар малакасини ошириш факультетида педиатрия (медицина фанлари докторлари, профессорлар);

профессорлар: онкология курси билан бирга (онкология курси бўйича) даволаш факультетида хирургия касалликлари;

доцентлар: марксча-ленинча фалсафа (ўқиш ўзбек тилида олиб борилади), илмий коммунизм (фан кандидатлари);

катта ўқитувчи: фармакология (фан кандидати);

ассистентлар: даволаш факультетида акушерлик-гинекология; биологик химия (2), 1-болалар касалликлари, тери ва қон томир касалликлари, гистология, медицина биологияси ва генетикаси, 2-болалар касалликлари, умумий ва биоорганик химия (2), умумий гигиена ва экология, умумий хирургия (0.75 ставка), рентгенология (2), суд медицинаси;

ўқитувчилар: жисмоний тарбия (3), лотин тили курси билан бирга чет тили, ўзбек тили ва адабиёти.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 703000, Самарқанд шаҳри, Фрунзе кўчаси; 18-уй.

ТОШКЕНТДА КУЗ...   **А. ЗУФАРОВ сурати.**

ИЗЛАНИШ

Тошкентда иммунитетни аниқлаш муаммолари юзасидан ўтказилган конференция ўз ишини тугатди. Унда совет шифокор олимлари ва Япония, АҚШ, ГФРдан келган хорижий мутахассислар қатнашдилар. Иммунологиянинг, шунингдек СПИДни аниқлаш, унинг олдини олиш ва даволашнинг долзарб масалалари юзасидан юздан ортиқ илмий доклад ва ахборотлар муҳокама қилинди.

— Мазкур конференция иммунитетни аниқлаш молекуляр механизмлар сирини ўрганишнинг фундаментал илмий муаммоларига бағишланди, деди СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Бутуниттифоқ иммунологлар илмий жамиятининг раиси, академик Р. В. Петров. — Бу муаммонинг ҳал этилиши СПИД муаммосига бевосита тааллуқлидир. Худди шу иммунитет занжирида киши танасини ҳимоя қилишнинг барча омиллари яширинган.

«XX аср вабоси» давлат чегараларини тан олмайди. Шу боисдан ҳам СПИДга қарши кураш соҳасидаги тадқиқотлар миллий программалар доирасида чекланиб қолиши керак эмас. Совет олимларининг чет эллардаги ҳамкасблари билан ҳамкорлиги самарали ривожланмоқда. Ҳозирги конференция бу алоқаларни янада мустаҳкамлашга, хавфли касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали йўлларини биргаликда излашга ёрдам беради. **(ЎзТАГ).**

«Кимошди»да ким ошди?

ХАЙРИЯ НИҚОБИ БИЛАН ҚИЛИНАЁТГАН САВДОГАРЧИЛИК ХУСУСИДА

Фельетон

«Ўртоқ прокурор ака!

Сизнинг топшириғингиз билан мелиса ходимлари мени бозордан тутиб келишди. «Нега магазиндан олиб, бозорда сотасан?», «Нега текинтамоқсан?», «Машина олган экансан, декларациянг борми?» — деб ҳол-жонимга қўйишмади. Ҳов, мелисажон ука, саккизта болам бор, бунинг устига хотиним яримта бўлиб қолган. Онам билан отамни қариялар уйига олиб бориб қўйганман. Маошга қолган кунга қор ёғсин, деб ёлворсам ҳам кўнмади. Фақат: «Закун бор, закун!» — догани-деган.

Сизни одил одам дейишади, прокурор ака, қани айтинг-чи, ўша закун ҳамма учунми ёки фақат бизга ўхшаган бечораларни жиловлаб туришга чиқарилганми? Ҳа, балли, қонун олдида ҳамма баробар деясиз. Унда аввал область газетасида босилган мана бу эълонни ўқинг. «Кимошди савдоси. Шу йил 22 июль куни область пионер ва ўқувчилар саройида янги «Жигули» (турли маркада) ва «УАЗ—469» маркали автомашиналарининг кимошди савдоси ўтказилади.

Кимошди савдосидан тушган маблағ Боғишамол район ветеранлар уйи, шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари поликлиникаси ҳамда Самарқанддаги қариялар ва инвалидлар уй-интернатини капитал ремонт қилиш, жиҳозлаш учун ишлатилади. Кириш билети 10 сўм. Билетлар пионер ва ўқувчилар саройи олдида сотилади...».

Меҳр-шафқат фондининг Боғишамол район правлениеси берган бу эълондан бирор нуқсон топа олмадингиз! Қойил сизга! Унда Сизни хаёлан бўлса-да, бир лаҳза пионерлар саройига таклиф қиламан.

Ўртада шаҳар кооперативлар кенгашининг раиси ўртоқ Ли. У шитоб билан гапиряпти. Унинг сўзини Боғишамол район партия комитети биринчи секретари Валерий Козимов бўлади.

— Ҳеч кимдан декларация сўралмайди!

Қаранг-а, ўртоқ прокурор ака, райком бова, бир оғиз сўз билан мелиса укам менга рўкач қилган закунни бекор қилдилар. Ака буни жасорат дейиш мумкин.

Ўртоқ Ли сўзида давом этади.

— «Жигули» ВАЗ—6103... 9 минг бир, икки, 13 минг, 15 минг, 18 минг, 18.5 минг, бир, икки, уч, сотилди!

Ана шундай давом этаверди. 30 минг сўмга машина олганлар ҳам бўлди. Ундан ҳеч ким бунча пулни қаердан топдинг деб сўрамайди. Биздан эса эски машинамизга ҳам декларация талаб қилишади.

Ўртоқ прокурор ака, бу иш ҳам каминанинг юмушига ўхшамайдими? Бизку, магазиннинг орқа эшигидан бир сумкагина нарсани олиб чиқамиз. Бу ёрда давлат фондидан қатор-қатор машиналар сотиляпти-ку! Тағин тажриба ўрганишга Сиёб, Темирйўл район ижроия комитетлари раислари, ўринбосарлари таклиф этилган.

Мелиса укам бўлса менга, уялмайсизми, болаларни ҳаром пулга боқиб, дейди. Бу ёғи қандай бўлди? Ветеранлар уйи, поликлиникаси, қариялар даргоҳи савдогарчиликдан тушган пул ҳисобига жиҳозланса майли-ю, бизнинг болалар учун бундай пул ҳаром бўлиб қолдими? Кимошди садосини Ўзбекистон телевидениеси, область газеталари тарғиб қилишди. «Аҳлидонишлар» дея алқашди, нега бизни оловдан олиб сувга, сувдан олиб оловга уришади?...»

Сотиболди Топиболдиевнинг бу арзномаси узундан-узоқ, унга на прокурор ва на райком ходимлари жавоб олишади. Лекин унинг ёзганлари рост. Камина ҳам пионерлар саройига қизимни каникуль кунлари овунар деб олиб бориб, ушбу ҳангоманинг устидан чиқиб қолдим.

— Ажойиб иш бошладикда, — деди Боғишамол район хайрия фонди раиси Мавлон Эргашев. — Лекин айтинг-чи, ҳеч ким партиядан ўчмайдими?

У бу саволни хавотир билан эмас, киноя билан берди. Чунки бизнинг қизиқишимизни бачканаликка йўйди.

— Машиналар қайси фонддан? Ахир, уларни ишчилар олиши керак эмасми? — деб сўрайман ундан.

— Бу социалистик мусобақа фондидан...

Лекин «мусобақа» авжига чиқди. Декларация сўралмаганлиги пулдорларга қўл келди. Бундайроқ одамлар ижрокомларда навбат кутиб толиққанларидек, бу ерда ҳам вақтларини беҳуда ўтказиб чиқиб кетишди.

— Яхши бўлди, машиналар эгасини топди, — деди Валерий Козимов.

Аммо район партия комитетига ҳам қойил қолмай иложингиз йўқ. Пул топишнинг йўлларини шитоб билан қидириб, ҳар қандай юмушни юмалоқ-ёстиқ қилиб юборяпти. Боғишамол район партия комитети, район Совети ижроия комитети, район комсомол комитети — рус, ўзбек ва тожик тилларида варақа-газета чиқариш ҳақида ўйлашганда ҳам дарров йўли топилди. Ана шу уч ташкилот ёнига хайрия фонди сўзлари ҳам қўшилди-ю, газета чиқариш маблағи унга юклатилди. Ажабмаски, кимошди савдосининг бир «қултум» фойдаси шунга сарф бўлса? Ахир, ким ҳам текшириб, таҳлил қилиб ўтирибди. У ҳолда тўрт саҳифали газета ўз номини «Боғишамол» деб эмас, «Савдогарчилик» деб қўйишга тўғри келади.

Лекин тан олиб айтиш керак, кимошди савдоси хусусида Боғишамол район меҳр-шафқат фонди томонидан тайёрланган Низом бор. Ундан парча келтирамиз: 1. Боғишамол район меҳр-шафқат фонди Устави кўрсатмаларини амалга ошириш мақсадида халқ истеъмоли товарлари, санъат асарлари, халқ ҳунармандчилиги намуналари, совғалар ва шу кабиларни сотиш бўйича кимошди савдосини ташкил этиш мумкин.

Ажабланарлиси шундаки, қачондан бери машиналар, санъат асари ёки ҳунармандчилик буюмлари кимошдига айланиб қолди? Ахир, шакарни олиб новвот ясаётган кооперативнинг «пўстагини қоқяпмиз-у», нега энди давлат тасарруфидаги машинани икки ҳисса, қарийб уч ҳиссага пуллаётган акаларга қуллуқ қиляпмиз? Шу кетишда бораверса, яқин орада райком курсилари-ю, ижроком вазифалари ҳам кимошдига қўйилар! Ҳа, нима бўпти? Пул келса бас-да! Иложи бўлса, бу ишни хайрия фонди орқали амалга ошириш керакдир! Чунки хайрия деса ҳеч ким бош кўтармайди, қариялар уйи деса ҳеч ким текширмайди-да!

Хуллас, «Кимошди»да ким ошгани маълум бўлиб қолгандир? А, лаббай?

Жаҳонгир МУҲАММАД.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Ўзбекистон ССР
Маданият министрлиги
ҲАМЗА НОМЛИ
САНЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар
бўйича
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Музика санъати, театр санъати, кино санъати ва телевидение, тасвирий санъат, декоратив ва амалий санъат, архитектура назарияси ва тарихи.

ҲУЖЖАТЛАР 1989 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: 700029, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 2-уй. Справкалар учун телефон — 39-46-77.

●

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА
28 СЕНТЯБРЬ
СОАТ 18.00 ДА
СССР 52-биринчилиги
учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
— «НЕФТЧИ» (Боку)
1-лига командалари ўртасида

Футбол

ТАНАФФУС ВАҚТИДА — СПОРТ БУЮМ-ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ.

Лотерея билетларининг серия номерлари 040000 дан 042000 гача.

БИЛЕТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СОТИБ ОЛИНГ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IX да Зебуннисо (19.00), 27/IX да Қуёшга таъзим қил (19.00), 28/IX да Отелло (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IX да Курорт (19.30), 27/IX да Олтин девор (19.30), 28/IX да Нажот истаб (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IX да Паранжи сирлари (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IX да Сўнаётган юлдузлар (19.00), 27/IX да Келинлар қўзғолони (19.00), 28/IX да Парвона (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Мушук уйи» ва «Доктор Айболит ғаройиб томошалари» (19.30).

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия комитети ва касаба союз ташкилоти иқтисодий кибернетика кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори Т. Ш. Шодиевга онаси

Ойширин ҚУРБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 05136.   В. — 224.   ИНДЕКС 64583.   1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12